

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



давлат мукофотига номзодлар

Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиш учун номзодларга таълоф ўтказишнинг II босқичи якунлашиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Республика комиссиясига вилоятлардан 75 нафар номзодлар тавсия этилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикасидан: **А. Кинжемуратова** — талаба, **Б. Хўжанова** — ўқувчи, **Э. Қонийсбаева** — ўқувчи, **Ф. Шержанова** — талаба, **Р. Розумова** — "Тарона" дастаси қатнашчиси.

АНДИЖОН вилоятидан: **М. Аҳмедова** — талаба, **З. Акбаралиева** — талаба, **В. Третьякова** — талаба, **Х. Жўраева** — талаба, **Б. Мирзаева** — талаба.

БУХОРО вилоятидан: **Н. Турсунова** — институт магистри, **Н. Жумаева** — техникум талабаси, **Д. Аvezова** — ўқувчи, **М. Умедова** — ўқувчи, **Н. Ҳамроева** — ўқувчи.

ЖИЗЗАХ вилоятидан: **Х. Акрамова** — ўқувчи, **К. Раҳмонова** — ўқувчи, **С. Мусурмонова** — ўқитувчи, **Г. Мухторова** — ўқувчи, **И. Эгамбердиева** — талаба.

НАВОИЙ вилоятидан: **Ю. Жумаева** — ўқувчи, **Г. Миртазоева** — институт ходими, **Ф. Мансурова** — ўқувчи, **С. Расулова** — талаба, **Х. Ўринова** — ўқувчи.

НАМАНҒАН вилоятидан: **Г. Зокирова** — педагогика билим юрти «Ниҳол» тўғараги раҳбари, **Ф. Турсунова** — талаба, **Н. Саматова** — ўқувчи, **Ф. Муродова** — ўқувчи, **С. Шомансурова** — ёшлар етакчиси.

САМАРҚАНД вилоятидан: **Х. Асланова** — ўқувчи, **Д. Узоқова** — талаба, **З. Ашурова** — ўқувчи, **Г. Шерматова** — газета муҳбири, **Н. Эргашева** — талаба.

СИРДАРЁ вилоятидан: **Д. Абдураҳмонова** — талаба, **С. Эрматова** — талаба, **Г. Донёрова** — Оқолтин тумани "Гулрух" зардўзлик корхонаси раҳбари, **А. Бойко** — ўқувчи, **Ш. Низомова** — ўқувчи.

СУРХОНДАРЁ вилоятидан: **А. Шаймардонова** — университет талабаси, **Д. Эгамбердиева** —

ўқувчи, **Н. Тўйинова** — ўқувчи, **Ш. Холмуродова** — ўқувчи, **Д. Ибрагимова** — ўқувчи.

ТОШКЕНТ вилоятидан: **Н. Эшонхўжаева** — ўқувчи, **Г. Пўлатхўжаева** — ўқитувчи, **Н. Адбураҳмонова** — ўқувчи, **Е. Аблаева** — университет магистранти, **Е. Цой** — ўқувчи.

ТОШКЕНТ шаҳридан: **Э. Котлибулатова** — ўқувчи, **К. Убаева** — ўқувчи, **Н. Усмонова** — университет магистри, **М. Ҳусанова** — талаба, **М. Раҳмонбекова** — университет талабаси.

ФАРҒОНА вилоятидан: **М. Абдуллаева** — ўқувчи, **Н. Охунова** — талаба, **С. Мўминова** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Фарғона бўлими хонандаси, **Х. Мўйдинова** — халқ таълими бўлими услубчиси, **Ш. Мустафаева** — педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти катта ўқитувчиси.

ХОРАЗМ вилоятидан: **М. Абдуллаева** — ўқувчи, **Ф. Рўзиева** — ўқитувчи, **Ф. Жаббарова** — ўқувчи, **М. Қаландарова** — ўқувчи, **Н. Сафарова** — Маъmun Академияси кафедраси кичик илмий ходими.

ҚАШҚАДАРЁ вилоятидан: **Д. Бегимкулова** — "Қамолот" ижтимоий ҳаракати "XXI аср аёли" маркази раиси, **Н. Жуманова** — богча-гимназия ўқувчиси, **С. Эргашева** — ўқувчи, **Г. Очилова** — ўқувчи, **Н. Раҳимова** — ўқувчи.

Республика "ҚАМОЛОТ" ёшлар жамғармасидан: **Ш. Абдураимова** — ўқувчи, **Д. Ботирова** — Тошкент педагогика коллежи талабаси, **Н. Жумаева** — 322-мактаб ўқувчиси, **Н. Шихова** — Эстрада ва цирк коллежининг бадий сўз устаси бўлими талабаси, **Х. Саидова** — Қашқадарё вилояти, ўқувчи.

Илгари ҳам кўп бор айтган гапимни яна такрорламоқчиман: биз пок ва холис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрасак, ишончим комилки, биздан меҳр-мурувватини ҳеч қачон дариг тутмайди.

Ислон **КАРИМОВ**

МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛСА ...



М. МИРСОДИКОВ туширган сурат

Биз азалдан бир-биримизга меҳр-окибатли бўлиб келган халқмиз. Қариялар ҳамиша иззат-ҳурмат билан эъзозланади.

Биз Юнусобод туманидаги Файратий маҳалласида яшаймиз. Энг кўхна макон-масканлардан саналади бу ер. Шу ерда фарзандларимиз туғилиб улғайишди. Шукр, улар ҳаётда ўз йўлларида топиб кетишди. Фарзандларимиз, айниқса ўғилларимиз шаънига раҳматлар эшитарканмиз, умр йўлдошим Муяссар билан қувонамиз. Болаларимизнинг комил инсонлар бўлиб ўсишида нафақат оиладаги тарбия, балки маҳалламиздаги кўни-кўшиларимизнинг ҳам ҳиссаси бор, деб ўйлайман. Чунки, мен ҳам маҳалламиздаги ёшларнинг сал ноҳўя хати-ҳаракатини сезиб, кўриб қолсам

дарров насиҳат қилган қулларим бўлган.

Ўтаётган йилимиз «Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилинганида юртбошимизнинг биз кексаларга бўлган мурувватидан, эътиборидан бошимиз осмонга етганди. Конституциямизнинг ўн йиллиги тантанали йиғилишида Президентимиз келаётган 2003 йилимизни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилдилар. Биз кексаларнинг бошимиз кўкка етди. Демак, элимизда эзгу ишларнинг умри боққан экан, юртимиз бундан кейин ҳам гуллаб яшайверадим. Чунки, инсонлар эъзозланган юртта Оллоҳ хайру-баракот ато этаверади.

Янгибой **ШАРИПОВ**

Юнусобод туманидаги
Файратий маҳалласи

БОЛА ТАРБИЯСИ - ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон Олий Мажлиси Оила ва аёллар муаммолари комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятига тааллуқли қондаларининг Фарғона вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

Комиссия раиси Шарифа Салимова йиғилишни очаркан, Оила кодексининг аҳамияти, мамлакатимизда фарзандлар тарбияси, етим болаларга эътибор, «Меҳрибонлик уйлари»да олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Аниқланган камчиликлар вилоят ҳокимлиги йиғилишида муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди, - деди Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳаётхон Каримов. - Хусусан, Қувасой шаҳридаги мактаб интернат тўла таъмирланган ишларга тўхталиб ўтди.

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиблари йўл қўйган камчиликлари учун лавозимидан озод қилинди. Васийлик ва ҳомийлик органлари раҳбарлари, шаҳар ва туман халқ таълими мутахассислари, мактаб директорларининг ўринбосарлари аттестациядан ўтказилди. Ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг малакаларини ошириш мақсадида вилоят миқёсида амалий семинарлар ўтказилди. Мавжуд 3 та «Меҳрибонлик уйи» ва 9 та махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун етарли шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишга ҳомийлик ва васийликка, болалар тарбиясига долзарб масала сифатида қараш лозимлиги таъкидланди. Кўриб чиқилган масала бўйича қарорлар қабул қилинди.

«Туркистон-пресс»

КЕКСАЛАР ДУОСИНИ ОМАЙЛИК

Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилмоғи лозим.

И. А. КАРИМОВ

7 декабр куни пойтахтимиздаги «Истарафшон» кафеда Конституция байрамига бағишланиб «Кексалар дуосини олайлик» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга Миробод туманидаги пар-

варишга муҳтож ёлғиз нафақахўр ва ногиронлар тақлиф этилди.

Байрам сўнггида Миробод тумани савдо департаменти томонидан берилган совғалар тақдим этилди.

Совғалар тадбирга келолмаган айрим кексаларнинг уй-уйларига тарқатилди.

ЛАТОФАТ



- **Китобларда бизга отамрос не-не илму ҳикматлар яширин,- дейди қорақалпоғистонлик шоира Гулистон Матийкубова.**

- **Интилиб, изланиб кунт билан ўқиган ёшлар албатта мақсадга эришадилар. Фанда кашфиётлар қилган қизларимиз адабиётда, санъатда, маданиятда Зулфия опамизнинг муносиб шоғирди деган номни олиб, Президентимиз томонидан катта ишонч билан таъсис этилган Зулфия номидаги мукофотига эга бўладилар.**

“КЕЛАЖАК АВЛОД” КЕНГАШИ

Дастлаб Ўзбекистон Болалар жамғармасининг ташаббуси билан, “Келажак авлод” кенгаши тузилиб, унга республикамизнинг барча туман, вилоят, шаҳарларидан ўқувчилар танланганида: “Э, булар болалар. Нима ҳам қила олишарди”, деган фикрни билдирганлар ҳам бўлди. Кенгашнинг 2002 йил август ойида бўлиб ўтган илк сессиясининг дастлабки кунларида ўқувчи ёшларнинг ҳаяжон ва бироз саросимасини кўриб тўғриси, бу болалар ишни тўла англай олишмайди деган фикрга борган эдик биз ҳам.

Аmmo мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган ўқувчилар янги тузилган кенгашнинг моҳиятини, мақсадини тўла тушуниб етдилар. Сессия маҳали олинган ҳуқуқий психологик сабоқлар, тренинглр, етук мутахассислар билан бўлган суҳбатлар, машғулотлар уларнинг билимини оширди. Кенгаш аъзолари биринчи сессиядан уйга вазифа, топшириқлар билан қайтишди. Улар олдида ўзлари яшайдиган туман, шаҳар, маҳалла, мактабларда «Бола ҳуқуқлари оид Конвенция», Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида тенгдошлари ни-

малар билишлари ва биланларини ўзаро ўртоқлашиши ва жамоат ишларида фаол иштирок этиш каби вазифалар қўйилган эди. «Келажак авлод» кенгашининг иккинчи сессиясига аъзолар бутунлай ўзгача кайфиятда келишди. Биз кенгаш аъзоларининг ўтган қисқа икки ой ичида нима ишларни амалга оширганлари билан қизиқдик.

Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 16-мактабда ҳам “Келажак авлод” кенгаши тузилди. Мазкур мактабнинг 9 -синф ўқувчиси, Республика “Келажак авлод” кенгашининг аъзоси Мафтуна Меликулова ўқувчилар ўртасида кенгашнинг нима мақсадда тузилгани, болалар ҳаётида Конвенциянинг аҳамияти, дунёдаги долзарб муаммолардан бири - ОИТС касаллиги ҳақида маърузалар ўтказди. Ўқувчиларга ОИТС ҳақидаги, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция” ҳақидаги рисолалар тарқатилди.

Болалар жамғармаси фаолиятдан



Вилоятдан танлаб олинган 12 та кенгаш аъзолари турли ўқув масканлари, лицей ва коллежларда турли мавзуларда суҳбатлар уюштиришяпти. Ўқувчи ёшларга “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”, сайлов жараёнлари, Конституция, Олий Мажлисдан олган таассуротлари ва ОИТС бўйича тушунчалар беришяпти. Болалар ва катталарнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда “Келажак авлод” кенгашининг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришди.

Андижон вилояти Бўз туманидан сайланган Санжарбек Мухторов тузган “Машвал” ёшлар клубига 42 нафар ўқувчи аъзо бўлиб, улар уч йўналишда: 1) Ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш; 2) Бўз тумани вилоятда экологик жиҳатдан энг оғир ҳисобланган ҳудудлигини эътиборга олиб, экологик муаммоларни ҳал қилувчи гуруҳ; 3) Қарияларга ёрдам кўрсатиш гуруҳи тузиб, бу гуруҳлар ўз тadbирларини бошлаб юборишди. Бундан ташқари, ушбу тумanning ҳуқуқшунослик лицейи қошида «Ниҳол» номли «Болалар Республикаси» ташкил этилиб, ушбу Республика ўз номи, герби, конституция-

си ва шиориغا эгадир. Республика 2 палатали бўлиб, юқори палата лицей ўқувчиларидан, қуйи палата эса мураббийлардан иборатдир.

Ҳўжабод туманида мавжуд 37 мактабдан вакиллар сайланиб, “Парвоз” болалар кенгаши тузилди. Унинг тақдимот маросими 4 октябрда бўлиб ўтди. Сурхондарё вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Вилоят «Болалар жамғармаси», вилоят ҳокимлиги ҳалқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда тadbир ишлаб чиқди ва шу тadbир асосида кенгаш аъзолари томонидан бир неча учрашув ва тренинглр ўтказилди. Сароисиё туманидаги кенгаш аъзоси Жавоҳир Ҳафизов 4 та маҳалла ва 12 та мактабда учрашув ва тренинглр ўтказди. Денов туманидан кенгаш аъзоси Шерзод Бердиев эса ҳалқ маорифи бўлимида «кенгаш аъзоси хонаси» ташкил этди. 8 та мактабда

учрашув ўтказган, талаб ва тақлифлар дафтарини юрита бошлади. Қумқурғон туманида кенгаш аъзоси Асқар Мараимов 2002 йил 25 август кунини ўқитувчилар конференциясида сўзга чиқиб, туман ҳокими ва мактаб директорлари иштирокида давра суҳбати, мактаб ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил этди.

Ҳукмингизга ҳавола қилинган «Келажак авлод» кенгаши аъзоларининг бир нечтаси ҳолос. Аслида уларнинг ҳар бирини ўз иш услуби, мақсади, нияти ва ўз олами бор. Демак, ўсиб келаётган болага озгина эътибор, ишонч билдирилса, у ўз устида ишлаб билар ва атрофдаги бошқа ўқувчиларни ҳам бирор мақсад сари бошлай олар экан. Ҳозир кенгашнинг ҳар бир аъзоси иш фаолиятини давом эттиряпти. Ҳар томонлама шаклланиши учун аввало уларнинг ўзига имкон бериш, катта ҳаёт йўлини тўғри кўрсата билиш керак экан. Бу ишга бугун барчамиз масъулмиз. Уларнинг биздан кўра кучли, билимли, доно, ва албатта, бахтли бўлишларининг асосий шартини ҳам ана шу эътиборда.

Хулқар ҲОТАМБОЕВА



- Опа ўз-ўзимни ёмон кўриб кетаяпман. Хаёлимда танамга икки киши жойланиб олгандек. Бири: “Ақли ҳушингни йиғ” деса, иккинчиси: “Сен ҳам бировни севиб бахтли бўлишга ҳақлисан”, дегандек бўлади. Иккаласи мени қийнаб ташлади. Нима қилишимни билмайман. Қайсисига қулоқ солай.

-Тушунтириброқ айтинг. Нима демокчисиз ўзи, синглим? - сўрадим.

-Ҳозир бир бошдан тушунтириб бераман, - дея уф тортиди, сўнг сўзини давом эттирди.

- Мен ота-онамнинг ёлғиз фарзандиман. Шу сабабли еру-қўкка ишонмасдан вояга етказишди. Бўйим етгач узокроқ бир қариндошимизнинг ўғлини ичкўб қилишди. Дабдабали тўйдан сўнг эрим билан бахтли яшай бошладик. Бир йил ўтиб ўғил кўрдим. Жуда хурсанд бўлдим. Лекин, шодлигимиз узокқа чўзилмади. Эрим уйга келмайдиган одат чиқарди. Олдинига бир неча кунлаб, сўнг бир ойлаб келмайдиган бўлди. Сўрасам сабабини айтмай, келиб-кетиб юрди. Бундай йўқ бўлиб кетишдан норози бўлиб, сабабини сўрайверганимдан сўнг, менга уйланишдан олдин рус хотини ва ундан иккита фарзанди борлигини айтди. Хотини аразлашиб юрганида ота-онасининг қистови билан менга уйланиш экан. Орадан бир йил ўтганда, мен фарзандлик бўлган пайтларим у ўз оиласига қайтиб бориб хотини билан ярашибди. Бу гапларни эшитиб қандай аҳволга тушганимни айтиб беролмайман. Унинг аввал рус хотини ва икки фарзандига, сўнг мен ва менинг боламга қилган

номардлигини кечира олмадим. У ҳаётимни барбод қилганди. Ажрашдик, мен ота-онам билан аввалгидек яшайвердим. Бу орада ҳамширалик курсини тугатиб, касалхонада ишлаб бошладим. Кунлар ўтиб бир кун



оиласидан ажрашган бир кишидан совчилар кела бошлади. Ота-онам балки бу турмушинг яхши бўлар, деб мени турмушга беришди. Ўғлим ҳам ўзим билан бирга эди. У билан ҳам бир йил турмуш кўрдим. Лекин турмушимдан рози бўлолмадим. Сабаби, эрим тинмай ичарди. Ичган пайтлари ўғлимни жеркиб, сўкиб азобларди. Қайнона-қайнотамнинг гапларига кириб барчасига чидадим. Бу орада иккинчи фарзандим-қизим ту-

ғилди. Бироқ эримнинг феъли ўзгармади. Охири бўлмади, ота-онамнинг уйларига болаларим билан қайтиб келдим.

Яшашим ёмон эмас. Ота-онамнинг бағридамм, ўзим ҳам, болаларим ҳам ҳеч нарсага зор қолаётганимиз йўқ. Ҳамма нарса етарли. Лекин эндигина 25 ёшга тўлдим. Ўзим учун яшайдиган пайтим. Маҳалламизда чиройли хотини, икки фарзанди бор бир йиғитни ёқтириб қолдим. Танишиб ҳам олдик. Ҳар кун бир марта кўнгирак қилиб у билан гаплашмасам жудаям ёмон аҳволга тушаман. Дунё кўзимга қоронғу кўришиб кетади. Шу кетишимда унинг ҳам фикрини бузишим ҳеч гап эмас. У эса ўз хотини, болаларини яхши кўради. Улардан ҳеч қачон ажрашмайди. Мен билан эса кўнгилахушлик қилиб ташлаб кетиши мумкин. Бу нарсага жуда яхши биланман. Лекин нима қилай, уни ёқтириб қолдим. Ўз кўнгилимга ўзим қарши чиқолмаяпман. Ақл-хушим мени “бу йўлдан қайт, фарзандларингни, ота-онангни ўйла, гап-сўзга қоласан. Бир умрга ўзингни бадном қиласан”, деса, кўнглим “ҳали ёшсан, сен ҳам севиш-севилишга ҳақинг бор-ку, қачон ўзинг учун яшайсан”, дейди. Ҳар кунги ўзим билан ўзим курашаман. Жудаям қийналиб кетдим. Шунинг учун кўнгирак қилаяпман, - деди аёл йўлғамсироқ.

- Синглим, аслида ҳар бир инсон

Чоршанбадан чоршанбагача — Кўнгирақларингиз...

ўз тақдирини ўзи яратади. Тўғри йўл тутса, иши ҳам ривожланиб кундан-кунга ҳаёти яхшиланиб боради. Агар инсон хато йўлдан кетса, хато устига хато қилавериб ҳаётини ҳам дабдала қилиши муқаррар. Ҳозирги ҳолатингизни тўғри тушунибсиз - бировнинг оиласини бузиб бахтли бўлолмайсиз. Бировнинг бахтига шерик ҳам бўлмайсиз. Қайтага кўнглингизга қараб иш кўришингиз сизга жуда қимматга тушиши мумкин. Ота-она, маҳалла-кўй олдида иснодга қоласиз. Бу фарзандларингиз тарбиясига ҳам таъсир қилади. Қолаверса, ўзингизнинг қичкина дунёнгизда ўралашиб қолибсиз. Яхшилаб ўйлаб кўринг.

Эндигина 25 ёшга тўлибсиз. Ҳаётингиз ҳали олдинда. Кунини келиб, ўз тақдирингизни учратиб бахтли ҳаёт кечиршингизга умид боғланг. Ҳозирги аҳволингизда ўзингиз айтганингиздек икки йил бор. Бири- кўнгли йўли бўлиб, бу сизни яхшиликка олиб бормади. Иккинчиси- ақл-идрок ва фарзандлар олдидаги бурч йўлидир. Бу ҳар ҳолда сизни ҳалол йўлга чорловчи ва келажакка умид билан қараш мумкин бўлган мақсадли йўлингиздир. Хоҳлаганингизни танлаш эса ўз ихтиёрингизда. Не бўлганда ҳам вафодор, бир сўзли ёр учрашига тилакдошимиз.

Лола АҲМЕДОВА

«Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди»,- дейдилар. Агар мен айтган пайтанда келолмай кечикиб қолсам, тирикчиликдан қўйналгудай бўлсангизлар палон фирмагаги Марат исмли кишига учрагин. Бориб менинг номимни айт. Ун беш минг сўм қарзи бор. «Ана-мана» деб бир йилдан бери пайсалга соляпти. Хали менга унинг кўп иши тушади. «Участкамга

га шерикчилик билан қурилиш ишларини бажарадиган фирма ташкил этишди. Кейинчалик фирма фаолияти кенгайди. Бу ердан мева-чева маҳсулотларини Россияга олиб бориб, у ердан ёғоч олиб келишни йўлга қўйди. Лекин юртма-юрт кезиб бегона кишилар билан келишув шартномаларини тузиш осон эмас. Бунинг учун Акмал ака ҳафталаб, ойлаб уйи-

мен бўлмасан хотиним келар, тўғрилар бўлмасан», деганди. Мана бугун унинг хотини ўша пулни сўраб келди. Ҳақиқатан ҳам эри анчадан бери сафарда. Ҳозир бир илож қилиб кутулиш керак. У ёғига Худо-раззоқ!

...Маратнинг эрини танишидан топиши Иродахонни жуда ноқулай аҳволга солиб қўйди. Нима дейишни билмасди, аёл бечора. Шу пайт

ОЛАРДА КИРАР ЖОНИМ...



дан, бола-чақасидан олисда бўлади. Бу пайтда хотини оила тирикчилиги, тўрт фарзанди ташвишларини ўзи эплашига тўғри келади.

«Этиб еса тоғ ҳам чидамайди»,- дейдилар. Акмал аканинг навбатдаги сафарга кетганига ҳам бир ойдан ошди. Рўзғорга гамлаб бериб кетган озиқ-овқатлари ҳам энгиллаб қолди. Болалари эҳтиёжи, тирикчилиги, камларини текислаб қўйиш керак.

Иродахон шу максатда эри тайинлаган фирмага борди. Марат исмли кишини қўйналмай топти.

- Кечирасиз, мен сизнинг олдингизга бир иш билан келгандим...

- Ҳўш, эшитаман,- у қаёққадир шошаётганди.

- Мен Акмал аканинг турмуш ўртоғи бўламан,- гап бошлади Иродахон.

- Акмал ака?.. Қарда, нима иш қилади эрингиз? Негадир эслай олмаяман...

- Баланд бўйли, мўйловли. Аввал ПМКда инженер бўлган. Ҳозир фирмада ишлайди...

- Синглим, сиз мени бошқа биров билан адаштирясиз, шекилли? Худо ҳаққи, мен унақа кишини танимайман,- ўйлана-ўйлана жавоб қилди у.

Аслида Марат деганлари «артистлик» қилаётганди. Чунки, Акмал ака бир кўришганда қарзини сўраганди. У камхаржлигини айтганда «Майли,

худодан бўлиб «лоп» этиб миясига бир фикр келди. Қувлик қилмоқчи бўлди. Бу ўз ўрнида рўпарасида турган давонгирдек йигитнинг соф диллигини синаб беради.

- Бўпти, майли бўлмасам, узр,- дея орқасига тисарилди. Марат гўё кўнгил учун аёлни тўхтатди:

- Ўзи қандай юмуш билан келгандингиз? Эҳтимол удалаш қўлимдан келар.

- Эримни танимасангиз, айтишининг ҳам фойдаси йўқдир,- тусмоллади Иродахон. - Ҳўжайиним Россиядан кўнгирак қилиб Марат айтган кишига учрашимни айтудилар. Ўша киши участкасига ёғоч олмақчи экан. Бориб айтгин, Марат заказ қилган нарсалар муҳайё бўлди. Тайёргарлигини кўриб турсинлар,- дегандилар. Афсус, мен сизни ўша одам деб ўйлабман...

- Эй, тўхтанг, тўхтанг. Участкага ёғоч истаб юрган менман. Олдинроқ айтмайсизми, Россияга қатнайдиган бизнесмен Акмал аканинг оиласи бўламан, деб...

Иродахоннинг қаршисидаги басавлат эркак қўз очиб юмгунча бир юз саксон даража ўзгарганди. Унинг девдай қомати аёлнинг қўз олдига жуда ҳам киррайиб кетгандай туюлди. Тобора қайнаб ташаётган ичигаги нафратни сочиб юбормаслик учун ташқарига шошилди. Ичкарисида эса Марат уни бир пийла чой ичишга таклиф қилганича қолаверди.

РИСЛИҚХОН МАЖНУНОВА

Наманган шахри

арзонроқ ёғоч топиб беринг»,- деб юрибди. Аввал қарзини тўласин...

Иродахоннинг хаёлига эри сафарга кетаётганда айтган гаплари тушиб, кийина бошлади. Ўша фирманинг қаерда жойлашганини хаёлан чамалаб кўрди. Марат эрининг «гапи»да бир-икки марта уйларига келган эди. Юзма-юз салом-алиқ қилмаган бўлса-да, кўрса таниб олади.

Замон тадбиркор ва ишбилармонники бўлиб қолди. Ишлаган одам яхши яшапти. Бири икки бўлапти. Иродахоннинг умр йўлдоши Акмал ака ҳам табиатан ҳаракатчан инсон. Бир ишни бошласа охирига етказмагунча тиним билмайди. Аввали-

қиссадан-қисса



АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

(Ҳадислар талқини)

Албатта дунё ширин ва кўркем — Аллоҳ таоло ўша дунёга эга қилиб қўйиб, қанақа амал қилишингизни кузатади. Мол-дунё ва хотинлар тўғрисида тақво қилинг, яъни молу дунё ва хотинлардан кўрқинг. Албатта бани исроилнинг аввалги фтнати хотинлардан чиққан, огоҳ бўлинглар.

Ҳадис

Яна бир ҳадисда: «Хотинлар шайтоннинг тузоғидир», дейилди. Бу гап сизга оғриқли текканини кўриб турибман, ойим! Аммо унинг мағзини холислик билан қақиб кўрайлик.

Ҳақиқатда ҳам аёл атрофининг эйтиборида турадиган Аллоҳнинг гўзал неъматиди. У неъматми, демек унга эҳтиёмжанд албатта бор! Унга юқиниш бор, унга ёлвориш бор! Аслида суйган, меҳр қўйган одамни юқинадилар, талпинадилар.

Тоифадош, сенга одамларнинг ишқи, ихлоси тушиб турган пайтда чиндан ҳам кўркем эдинг, беғуноҳ эдинг! Айнан шу - кимдир амрингга шай турган ва ўзинг учун ҳам энг ёқимли кечаётган онларингда орага шайтон аралашади!

Эркак ҳам шу асногача балки хатосиз эди. Сенга меҳри бойланди, Ойни сўрасанг-да олиб бергудай алфозга тушди. Чунки унинг ҳам шайтонига шомлага ўтди! «Бундан зўр аёл дунёда бошқа йўқ, шошилиб қол, сен муҳаббатга йўлиқдинг, бу - муҳаббат! Зарури — шу, қолганидан кеч!»,- дея қутқу сола бошлади.

«Тила тилагингни»,- деб қистайди эркак. «Ўзи рози бўлиб сўрапти-ку, кўнглингда келганини айтиб қол»,- дея ундайди сенинг шайтонинг! «Бу гап ўзидан чиқди-ку»,- дейсан ўзинг ва кўнглингда келганини айта бошлайсан...

Ана шу жойда сен шайтоннинг тузоғига айландинг! Овини илинтришиг учун сени ўртага қўйди! Гўл эркаккина гуноҳга тутиб бердинг. Сен - бори-йўғи тузоқсан, ўлжани эса тузоқ эгаси олади. Қарабсанки, ҳеч нарсасиз қолдинг, яъни энди омаднинг чопмайди, ҳар ишингда ишқал чиқаверади. Чунки сен бировни гуноҳдор бўлишига сабаб бўлдинг. Эркакнинг сени хурсанд қилиш учун кимларнингдир дилини оғритди, уларга эйтиборини, бурч туйғусини унутди! Бу уятсизлик, ноинсофлик, қолаверса, энгилтақлиқдир! Шу ҳолатга тушган, сенга, яъни тузоққа илган эркакни гўл дедик. Аммо унинг касрига қолиб турган - сен ундан ҳам гўлроқдирсан! Чунки шайтонга қўл берганингиз учун Яратган иккингишни ҳам тенг жазолайди!

Агар эркак ҳадиси шарифнинг «Яхши кўрган кишининг ўртачароқ яхши кўр, бир кунга келиб, балки у ёмон кўрганинг бўлиб қолар», деган каломини таниганда эди, ўзини шайтоннинг ўлжасига айлантормаган бўларди.

Сен ҳам ўша муборак китобдаги: «Бир нарсани яхши кўришинг сени кўру кар қилиб қўяди» деган жойини ўқиб уққанингда эди, «Боримни ҳам, жонимни ҳам сенга тутдим», деб турган эркакка хушёрроқ қарардинг. «Наҳот мен унинг ҳамма яқинларидан юқори турсам, мени толгунча унга суянчиқ бўлганларга мутлақо беэътибор бўлиб қолиши, унинг ноқўрлиги эмасми? Уни кўру кар қилаётган мен эмасми?!» дейишинг керак эди.

«Хотинлардан тақво қилингиз, кўрқингиз» деган хитобда буюқ оғоҳлантириш бор. Ва бу мурожаат кўпроқ аёлларнинг зеҳнида жаранглаши лозим. Сабабки, феълида тўрт эмас, минг фасли бор аёлдан эҳтиёт бўлишга эркак киши кўпинча ожиздир. Бу ожизликка шафқат яна аёлдан сўралади.

Жуфтнинг қай пардасини эзса, қандай оҳанг таралишини аёли чандон билади. Аёл бир сўз билан эрининг феълидаги исёни бостириши, бир сўз билан унинг кўксига ўлган илони тирилтириши олиши мумкин. Огоҳ бўл, эркак сув омборига қамалган бетизгин тўлқин, қай томонга бурсанг, ўша ёқни ювиб кетаверади.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)
Турсунной СОДИКОВА

ЖОЙИНГИЗ ЖАННАТГА БЎЛАСИЗ

Мен раҳматли қайнонам билан 19 йил бирга яшаб, жуда ўрганиб қолган эканман. Мана 5 йилдирки, қайнонамни эсламаган куним йўқ. Раҳматли дуоғўй, меҳрибон, болаларимни бувижониси эдилар. Қайнонамни расмларига қараб дилдан гаплашаман ва ўзимни энгил хис қиламан. Ваҳоланки, онажоним ёнимда бўлсалар

ҳам қайнонами ўрнилари бошқача эди.

«Қариси бор уйнинг париси бор», деб бекорга айтилмаганлигига яна бир бор иқроор бўлдим. Чунки қайнонам оламдан ўтганларидан кейин бизлар ҳаммамиз бошқача бўлиб қолдик. Ака-ука, опа-сингил ва овсинлар ўртасига совуқчилик тушди. Шундан

биламанки, бизларни қайнонам қовуштириб, бош бўлиб юрган эканлар.

Бувижон, сиз билан бирга мен кўп нарсани йўқотдим. Ҳозир ишхонада шу мактубни йиғлаб ёзиб ўтирибман. Истардимки, сиздек қайноналарни келинлар қадрига етсин. Бувижон, илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин.

Сабоҳат МУИДОВА

Қарши шахри

ОТАМ ФАХРИМИЗ ЭДИ

Отам Саъдулла Ниёзов ҳаёт бўлганларида 58 ёшга кирардилар.

Отамиз гарчи қисқа умр кечирсалар-да, онам билан жуда аҳил-иноқ, оилани муқаддас қилиб мустаҳкам турмуш қурдилар. Етти фарзанд тарбиялаб, бешта-мизнинг олий маълумотли бўлишимизда ўзларининг чексиз меҳнатини аямагандилар. Айни кунда мен отам касбини давом эттираётганимдан фахрланаман.

Отам раҳматли 30 йил давомида врач-стоматолог ва-зифасида халқимиз соғлиги учун меҳнат қилганлар. Ҳозир барча оила ташвишлари Шарофат онам зиммасида. Тилагимиз: онажоним бахтимизга соғ-саломат тўйларимизга бошу қош бўлиб юрсинлар.

Отажоним руҳи, ўчмас хотиралари бизнинг қалбимизда доимо яшайди.

Дилрабо НИЁЗОВА
Тошкент шахри
М. Улуғбек тумани

2001

Хотира — муқаддас

1 апрел бизнинг оиламиз учун энг қайғули кун бўлиб қолди Биз энг азиз, меҳрибон кишимиздан — отажонимиздан айрилдик.

Отажонимиз Турдубой Расулов бутун умрларини Қўшрабат туманининг

УМРБОД ЙЎҚОТДИМ...

Жўш, Нурота туманининг Чўя ҳудуди аҳолисининг соғлигини сақлашга бахшида этдилар. Отажон, эл-улуснинг сизнинг ҳақда «Билимли шифокор» деган гапини эшитдик. «Иймонли, тозақўл шифокор» деган таърифига дуч келдик. Заҳматқаш деҳқон оиласида улгайганингиз, иймону диёнат соҳиб бўлиб, элга Оллоҳни танитар даражада илм-эътиқодли инсон фарзанди бўлганингиз учундир, аввало инсонни севдингиз. Сиз 9 фарзандга ота бўлиб, барчамизни ўқимишли бўлишимизга бош-қош бўлдингиз.

Отажон, сиз нафақат ўз фарзандларингиз, балки бутун касбдош шифокорлар аҳлининг маслаҳаттўйи эдингиз, чунки барча ҳамкасбларингиз ёрдамга муҳтож бўлса, хузурингизга маслаҳатга келишар эди, фақат тўғри йўлни кўрсатиб хайрли ишларга ундардингиз.

Ҳаёт давом этавераркан. Ҳозир қан-

чадан-қанча шодон кунларни бошдан кечираяпмиз, аммо бизнинг энг қувончи, шодон кунларимиз сизнинг тирикчилигингизда бўлган экан. Энди биз ўша давларни бир умр соғиниб яшаймиз, кўзда ёш билан хотирлаймиз. Сизнинг ҳали қанчадан қанча орзу-умидларингиз бор эди. Ана шу

умидлар кўксингизда армон бўлиб қолди... Ана шу армонларни биз — фарзандларингиз рўёбга чиқарамиз.

Илоҳим, Аллоҳ охиратингизни обод қилиб, жойингизни жаннатдан ато қилсин. Биз фарзандлар то тирик эканмиз, сиз доимо қалбимизда яшайсиз!

Отажон суянгувчи тоғим

Қайдан излай, бошдаги тоғим

Бу кун бағрим куйдирар аччиқ

Аламлар,

Умрбод йўқотдим — бахтим

Эдингиз.

Фарзандларингиз ва невараларингиз номидан

Гулнора РАСУЛОВА

Навоий вилояти,

Нурота тумани,

Сойкечар қишлоғи

Кунларнинг бирида хонамга бир аёл ижозат сўраб кирди.

- Опажон, - деди у мен кўрсатган жойга саросима билан ўтираркан, - ҳаётимда қиёмат қойим бўлди.

- Нега, - дедим кўзларимдаги ҳайратни яширмай.

- Негаки, мен эримнинг акасини жазмани эмишман. Шунанга, ёмон аёлга ўхшайманми, опажон?!

- Бир бошдан гапиринг-чи?! Эрингизни ҳам бирор нарсадан шубҳаси бордир-да?!

- Ҳа, шубҳаси бор. Сабаби, мен у билан синфдош эдим. Акаси биздан икки синф юқори ўқир эди. Мактабда ўқиб юрганимизда акаси билан хат ёзишиб турардик. Гапнинг очиги, бир-биримизни севардик. Аммо ўқишимизни битирадиган йилмиз акаси оилада тўнғич фарзанд бўлганлиги учун уни яқин қариндошларининг қизига уйлантиришди. Мен эса қон йиғлаб қолавердим. Орадан икки йил ўтгач, эримнинг онаси бизникига совчи бўлиб борди. Онам: "Ёши тенг, қандай бўларкин?!" деса ҳам қайнонам оёқ тираб туриб олди. Яна ўғлининг ҳам менда қўнғил бор экан. Мен ота-онамга акаси билан "юрганман" дея олмадим. Устига устак ўша йили отам қаттиқ бетоб бўлиб: "Битта қизимни бўлса ҳам тўйини кўриб қолай", дедди.

Унаштирилганимиздан икки ҳафта

ўтгач, отам вафот этди. Тўйимиз ортиқча дабдабасиз ўтди. Балки, бу менга Оллохнинг жазосидир, деб ўйладим.

Тўйдан уч кун ўтгач, қайноғамнинг икки яшар қизи қўлимга бир хат олиб кириб берди. Унда шундай дейилганди:

ҚАЙНОҒАМНИ СЕВАР ЭДИМ...



"Азизам, Кумушой!

Сен барибир бизнинг ҳовлига кўрк бўлиб келдинг! Бахтинг қутлуг бўлсин!

Орадан ўтган йиллар ҳам менинг қалбимдаги севги гулханига сув сеполмади. Сени доимо аввалгидек севувчи "Т".

Хатни ўқиб юрагим галати

бўлиб кетди. Худди тубсиз жарликка қулаб тушаётгандек ўзимни ноқулай сездим. Ташқарига чиқиб хатни тандирда куйдирганимча, шу ҳолатда юрдим.

Орадан бир-икки ой ўтди. Хайриятки, бу орада акамиз узоққа ишлагани кет-

ди. Аммо кунлардан бир кун у киши ишлаб топган пулига онасига, хотинига, қизига ва менга сарпо қилиб келди. Ҳамма жанжал шундан бошланди.

- Кумуш, - деди эрим. Унинг овозидан қандайдир титроқ бор эди. - Нега акам сенга ҳаммадан, хаттоки онамдан ҳам қимматбахо кийим олиб келди.

- Билмадим, Эркин ака! Ахир у акамиз-ку?!

- Қанақа акам? Акамни ёки ўйнашингни? Мен эшитдим, сен қизилгингда акам билан "юрган" экансан. Иссиғида ўзингни оқла, йўқса чолиб ўлдирман...

Эримнинг қўлида ойболта ялтирарди.

Жон ҳолатда унинг оёқларига йикилдим.

- Жон Эркин ака! Ахир менда нима айб?! Акангизни қиз болалигимда севганман. Аммо энди ҳаммаси ўтиб кетди. Бугун сизнинг жуфти ҳалолингизман. Сизга тирноқчалик ҳам хиёнат қилганим йўқ.

Барибир эрим инсофга келмади. У мени чолиб ташлашга ҳаракат қилгани, унинг қўлидаги болгани акаси келиб тортиб олди-да:

- Эркин, Кумушдан аввал мени ур! - деди.

Эрим "дод" деганча бошини деворга бир неча марта уриб ўқирди. Шу пайт ҳовлига кириб келган қайнонам ўғилларига эмас, менга қараб:

- Сен хонадонимга бахтсизлик олиб келдинг, шумқадам. Йўқол, қайтиб бу жойларда қорангни кўрсатма, - деди.

Яқинда она бўламан. Аммо ҳеч ким ҳолимдан хабар олмаяпти. Уст-бошларимни ҳам беришмади. Лекин айбим нима, опажон?! Ахир қишлоқ қизи эдим. Андиша қилиб ота-онамга: "Йўқ, Эркинга тегмайман, акасини яхши кўрадим", дея олмаганман...

Келинчақнинг шашқор бўлиб оқаётган кўз ёшларига қараб, чиндан ҳам юрагим эзилиб кетди. Сиз нима дейсиз Азиз муштарий? Кумуш чиндан ҳам айбдорми?

Умида ЙЎЛЧИЕВА

Андижон шаҳри

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Тошкент - Самарқанд йўналишидаги автобус жўнаш арафасида турган бир кезде унга бир қиз чиқди ва ҳайдовчидан йўл кира нархини эшитгач, юзини буриштирганча ёнимга келиб ўтирди.

Қизнинг сўлгин юзига назар ташлаб нималарнидир ўқиб олмоқчи бўламан. Кўнглимда у билан суҳбатлашиб кетиш фикри туғилди. Қизни гапга солиш осон кечмади...

-Ёшлигим етимликда ўтди, - дея гап бошлади қиз. - Она меҳрига тўймадик. Олти ёшга тўлганда онамдан айрилдим. Онамдан сўнг отам уйланмади. Ёш эдик. Бунинг фарқига бормасдик. Синглим, икки укам ва мени отамнинг ёлғиз ўзи воёга етказди.

Уйимизга ҳар хил кишилар келиб эрта тонгча базм қилишарди. Кейин билсам, ичилган ароқларнинг пулини отам тўлар экан. Бу ичкиликбозларнинг охири кўринмасди. 9-синфни битиргач, мактабга бормаи кўйдим. Чунки оиламизнинг моддий аҳоли оғир-

лашиб борарди. Ичилган ароқларнинг пулларини сўраб келувчилар бизга тинчлик бермай қўйганди. Отамнинг парвойи фалак эди. Начора, жиноятга қўл урдим. Билардим, бу ўйиннинг охири яхшилик билан тугамасди. Дастлаб наша сотдим. Чўнтагимга яхшигина пул киргач, отамнинг қарзларини уза бошладим. Бундан отамнинг жабари йўқ эди. "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади", деганлари рост экан. Сирим ошқор бўлди. Жинойи жавобгарликка тортилдим.

Албатта, бу ишни ночорликдан қилиб ўз ишимдан минг марта пушаймонман. Жазо муддатини ўтаб чиқдим. Ҳалол меҳнат қилишга ҳаракат қилгачман. Аммо одамларнинг кўз қарашини, салом берган одамимнинг алик олмаслиғи менинг ҳаётга бўлган қизиқишимни, умидимни сўндирмоқда. Шундай одамлардан қалбим эзилди. Ўзимни қўярга жой топа олмаи қоламан. Жавоби йўқ саволлар ёш юрагимни эзади. Менинг ҳам тенгдошларим

қатори ажайиб оиланинг фариштаси бўлгим келади. Лекин бу бахтни умид қилишим бекор эканлигини ҳам биламан.

Буни ҳаёт дейдилар. Кимлар ҳаётда қрилади, кимдир эса... Мен ҳам болалик қилиб шу қўйга тушдим. Қилишим учун жазоимни олдим. Менинг ниятим ҳеч ким ҳаётда адашмасин. Қизлик шаънига доғ туширмадим.

Автобус навбатдаги бекатга келиб тўхтади. Бу жой қизнинг манзили шекилли, истамаган ҳолда ўридан турди. Хайрлашиб учун қўлимни бердим. Назаримда у бунни кутмаганди. Қўлимни маҳкам қисиб, қўзидаги аччиқ ёш билан автобусдан тушиб кетди. Шунда ўзимни у қизни дардини эшитган ва бироз далда берган биринчи инсон эканлигимни англаб етдим.

Унинг ортидан қараб қоларканман: "Ўз хатосини тушуниб етган қизга бахт ато қилгин", деб Оллоҳга илтижо қилдим.

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

Заргул ЭРНАЗАРОВА

БИРИ ОЙ, БИРИ ҚУЁШ БЎЛСА

зета кўп нарсани ўргатди. Айниқса, Турсуной Содикованинг "Қизларга аталган сўзларим"и менга катта сабоқ берди. Менинг газетамга хат ёзишдан мақсадим, ажайиб қайнона ва қайнотам борлар. Уларнинг оиласидай ибратли оилалар шаҳримизда жуда кам учрайди. Биз опа-сингил бир кунда бу хонадонга келин бўлиб тушганмиз. Бу хонадон жуда катта оила бўлиб, уларнинг 6 қиз, 5 ўғил фарзандлари бор. Улар одобли, ақлли, бир-бирлари билан жуда ахил. Уларга қараб ҳавасингиз келади. Қайнонам Ибрагимова Ҳамроҳон ҳожи ая, қайнотам Бобомирзаев Абдурашид ҳожи ота бизни ҳам ўз болаларидек қуришади. Билмаганимизни ётиғи билан ўргатишади. Улардан жуда миннатдорман. Мана, келин бўлиб тушганимга ҳам 15 йил бўлди. Бу файзли хонадонда биринкетин тўйлар бўлди. Ҳозирги кунда 4 қизни узатиб, 4 келинга меҳрибон қайнона-қайнота бўлиб юрибдилар. Бир-биридан ширин қайнис-

нгилларим қолди. Уларни ҳам ўз бахтларини топиб, яхши ҳаёт кечиришларини тилаб қоламан. Хонадонимизнинг фаришталари - қайнона-қайнотамга узоқ оғир, сўхат саломатлик тилайман. "Қариси бор уйнинг париси бор", деб бежиз айтилмаган. Ҳозир биз Тошкент шаҳрида яшаймиз. Улар бизнинг уйимизга келишганда уйимизга файзу

барака келади. Ҳозирги кунда 16 неваранинг севимли буважони ва буважониси бўлиб, ҳаммамизга бош-қош бўлиб келишмоқда. Қачонки ота-онанинг бири ой бўлиб, иккинчиси қуёш бўлсагина оила аталмиш кўрғон мустаҳкам, фарзандлар баркамол бўлади. Мен мана шу ой ва қуёш ҳамиша порлаб туришини истаيمان, уларга ҳамиша таъзим қиламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ўзимнинг ота-онамга ҳам соғ-саломатлик, доимо фарзандлари бахтига омон бўлишларини тилайман. Отам Нарзуллаев Ўринбой, онам Нарзуллаева Манзураҳон 4 қиз ва 4 ўғилни роҳатини кўриб юришларини тилайман. Уларни ҳам ўғил-қизларига бош бўлиб, невараларини севимли буви ва буважониси бўлиб юришларини тилаб қоламан.

Соҳиба НАРЗУЛЛАЕВА
Тошкент шаҳри

ОЛАМГА ТИНЧИНИ САҚЛАЙЛИК

Чорсу бозорида бир аёл йўргакланган болани кўтариб ўтиб бораётган эди. Гумбирлаган овоздан жуда сесканиб чириллаб йиғлаб юборди. Шу атрофдаги ёшу қарилар ҳам бевосита бир овоздан "Наҳот, наҳот назоратчиларимиз шу номаъқулчиликни олдини олишмасам", деб ранжиганди. Бир кун автобусда ҳам шундай ҳол юз берди. Йўловчилар орасида

милиция ходимлари ҳам бор эди. Аммо улар индамай кетаверди. Инсон руҳиятига салбий таъсир қиладиган бу портлатишларга қачон чек қўйилади.

Одамлар тинчини бузиб бу муҳдиш нарсани сотиб тирикчилик қилаётган кишиларнинг танобини тортиб қўйишининг иложи йўқми?..

Исломжон МҲМИНОВ
Тошкент

ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАС

Беш нафар фарзандим билан турмуш ўртоғим ташлаб кетди. Мана бир неча ойдири болаларимдан хабар олиш тугул алимент ҳам тўламайди. Хайит кунлари қозонга солгани ҳеч нарса қолмади. Уй ҳақини тўломай қўйиб юргандим. Болаларимни уйда қолдириб, охириги пулимни олиб магазинга нон олгани чиқдим. Магазиндан қайтаётсам, эшигим олдида чиройли кийинган бир киши турибди. "Келинг, сизга ким керак?," - дея сўрадим. У киши: "Сизда зарур гапим бор эди", - деди. Мен уйга киришини илтимос қилдим. У "Йўқ, шу ерда ҳам гапирмаверман", - дея чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ бир нарса олиб менга узатди. "Ҳайит кунлари яхши ният ила

мана шу пулларни сизнинг оилангизга ажратиб қўйган эдим. Бемалол ишлатаверинг, бу сизнинг фарзандларингизнинг ризқу-насибаси", - дея менга мамнуният ила жилмайиб қўйди. Мен бундай қароматни кутмаганим учун довдираб қолдим. Пулни олар эканман исминини сўрадим. У эса: "Бу яхшиликни барча билиши шарт эмас, бу Оллоҳ йўлида қилинган эҳсон", - деди-ю, орқасига қайтди. Атрофимизда чуғурлашиб юрган болаларим кўлимдаги қоғозни очишимни сабрсизлик билан кутарди. Уни очдим-у, лол қолдим. Буни қаранг, номаълум киши менга 20 минг сўм пул ташлаб кетибди. Беихтиёр кўзларимдан ёш қуйилди. Беш нафар фарзандини дунёга келтириб муборак кун-

ларда ҳам ҳатто ўз дийдорини фарзандларидан қизғонган отадан бегоналар ҳам меҳрлироқ чиқди. Мен бозорга бориб болаларимга ейиш ва қозонимни қайнатаиш учун ул-бул харид қилдим. Уйимиз нозу-неъматларга тўлганини кўрган болаларимни қувончини кўриб Оллоҳга шукроналар келтирдим. Яхши ният ила менинг оиламга мурувват кўрсатган нотаниш инсоннинг ҳақиқига дуолар қилдим. Унинг менга кўрсатган яхшилиғи Оллоҳдан минг қарра зиёда бўлиб ўзига қайтишини ўтиниб сўрадим. Ана шундай савобталаб инсонлар бор экан биз ҳамиша яхшиликка интилиб яшайверамиз.

Лобар ИМОМОВА
Чилонзор тумани,
Чўпон-ота маҳалласи

ФАРЗАНДАРИМ ДЕЯ ЕЛИБ-ЮГУРГАН...

Хеч ким фарзанд доғида қуй-масин экан. Шунинг учун бўлса керак, қўпинча оилани "Оила ва жамият"ни варақлаб топаман. Тўғри, неварра-чеварларим ҳам дилим ярасига малҳам бўлишадди, улар билан овунгандек бўламан.

42-сондаги "Қиёмат қарз сўзлар..." мақоласидаги Равшанбекнинг ўғлим каби бедаво дардга чалингани, унинг севгилисига бўлган меҳри, ўзгалар орқали дунёни тарқ этгач, хатини босиб чиқаришларини илтимос қилганигини ўқиб зор-зор йиғладим, ярам янгиладим.

Худди шу сондаги оналар мадҳиясига бағишланган "Халоватли одам..." мақоласи хаёлларимни ўтмишга етаклади: "Оҳ оналар, мунчалар фарзандларга парванасиз, қалбнингиз тўла эзгулик, ишқимизда тинмай ёна-сиз", дея зорландим.

Уруш юртимизга соя солган 1941 йили отам фронтга жўнаб кетгач, барча оилалар қатори рўзгор тебратиш онам Мухаррамнинг зиммаларида бўлди. Елиб-югуриб беш фарзанд: 2 ўғил, 3 қизни боқиб осон бўлмади. Қаҳратон қишнинг совғи-ю, ёзининг

«Қиёмат қарз сўзлар»— 42-сон, 2001 йил
«Халоватли одам...»— 42-сон, 2001 йил

ЭСЛАТМА: Оғир касаллик туфайли шифохонага тушиб қолдим. Яшашдан умидим қолмади. Дилфуза исмли қизни севардим. У ҳар кун шифохонага мени кўргани келар эди. Мен унинг ҳаётини барбод қилишни истамаганим учун севгисини рад этдим.

РАВШАН

ЭСЛАТМА: Ойим хаста бўлиб қолди-лар. Кўргани борсам, тугунларини бошларига қўйиб, қўшимизнинг янги туққан келинини кўргани кетаётган эканлар. "Ўзингиз касал бўлсангиз, уйда ўтирмайсизми?" - дея норози бўлсам, "Йўқ, болам, бугун бориб қўшни келинини кўриб келмасам, халоватим бўлмайди" - дедилар.

Раҳима ШОМАНСУРОВА

иссиғига қарамай, ўзлигини унутиб "қирк жони"ни ишга солиб тиркичилик қилдилар: иссиқ нон ёлиб сотувчига кўтара берардилар. Фойдага қолганини ўртада баҳам кўрардик.

Ўша пайтда талонга қора бўлка нон бериларди, у ҳам ўлчоглик бўларди. Бир кун нон олиш на-

бешаламизни ҳам ўқидан қолтирмай, елиб-югуриб уст-бошимизни бутлардилар, қорнимиз қайғусида тиним билмасдилар.

Қандай оғир кунлар эди ўша дамлар: ҳар кун мактабимизда ёки маҳаллада биронта шум хабар эшитамиз: "Фалончининг отаси урушда ўлибди, пистончининг ака-

си яраланибди..."

Бир кун, кийим олиб бериш учун бўлса керак, мени ҳам (5-синф ўқувчисиман) бозорга, олиб кетдилар. Мени қаттиқча аёллар ёнида қолдириб ўзлари бутликали ёғни кўтара олувчига бераётган эканлар, онами милиция ушлаб олибди-да (бизни зимдан кузатган шекилли): "Бу ерда қизи ҳам бор эди", - дея менинг қўлимдан тутди. Ёш қизча эмасманми, қўрқиб кетиб дод солдим. Ҳазабга тўлган онам: "Болани ушлама, юр, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, олиб борадиган жойингга олиб бор, отиб юборсин мени", - дедилар.

Ҳалиги киши бизни бир "сиёсат пункти"га бошлаб кирди-да, ўзи хонадан тезгина чиқиб кетди. У ерда турли сабаб билан олиб қирилганлар анчагина экан. Сўраш навбати онамга келгач, "Хола, сиз нега келдингиз?" - дея саволга тутди.

- Болаларимнинг отаси жангда, мен нима қилай, ўғирлик қилайми? Ёки... Томимдан чакка ўтиб ётса, у хонасалот кураб берадими, ё оч қолган болаларимни боқадими?" - дея ҳалиги "сиёсатчи"-ни қоралаган бўлдилар йиғламсираб...

Шароитга тушунган бошлиқ эса

онагинанинг ёнган юракларига сув сепгандай юпатган бўлди: "Хола, - деди секингина, - "сиёсатчилик"-да, бординг, бир чеккада ишингизни қилаверинг".

Хонадан чиқарганим онамининг нигоҳи менга тушди, жон ҳолат-да мени бағриларига босиб: "Қўрқингми болажоним, қўрқма, бу қора кунлар ҳам ўтиб кетар, урушнинг номи ўчин, урушқоқлар қўйиб кул бўлсин", - дея нола қилдилар.

Онагинам, миллионлаб оналаримиз уйда аёл бўлиб фарзанд ардоғини эпласа, кўчага чиқиб эрлар вазифасини адо этганлар ўша уруш кетаётган дамларда. Ҳа, елқаларидаги оғир юкни кўтара олганлар.

Уларнинг охиратлари обод бўлсин, илоҳи омин!

Урушни биз кўрдик, болалигимиз эзилли билан ўтди, лекин бундай жангоҳлар болаларимиз бошига соя солмаслигини Оллоҳдан ўтинаман.

Ҳозирги кунлардаги террористларнинг қилмишлари ўзларига чоқ қазисин, тезроқ ерга кўмилсин. Балки ер ҳам ҳазар қилар уларни ўз бағрига олишга, йўқса ёниб куллари кўкка соврилсин!!!

Афифа ҲАСАН қизи

МУҲАББАТ БЎЙ ТАНАМАС

«Севгимиз учун ҳамма нарсага тайёрмиз»— 43-сон

ЭСЛАТМА: "Нуфузли бир олийгоҳда ўқийман. Бир йигит билан севишиб қолдим. Аммо унинг دادаси оила қуришимизга қарши. Чунки менинг бўйим Алишернинг бўйидан анча баланд".

Д.

Сиз дунёда камдан-кам инсонларгина насиб этгувчи муҳаббат дардига мубтало бўлибсиз. Севгилингиз Алишерга етишиш учун имкон қадар тўғри йўл изляяпсиз. Биргина тўсиқ сизнинг бўйингиз баландлигида. Менинг бир танишим бор. У бир қизга унаштириб қўйилганидан кейин тўйига 3 кун қолганида келин бўлмишининг энг яқин дугонасини яхши кўриб қолган. Чунки ўша қиз ҳар доим учрашувга ўзи билан энг яқин дугонасини олиб чиқаркан. Дўстимнинг ўзи уйланадиган қиздан кўра унинг дугонасини кўпроқ яхши кўриб қолган. Унинг бўйи ўзидан анча баландлиги хаёлига ҳам келмаган. Аксинча, унга унаштирилган қиз ҳар томонлама келишган, қишлоқдаги кўпгина йигитлар унга куёв бўлишни орзу қиладиган даражадаги чиройли қиз бўлган. Хуллас, дўстим бу гапни онасига айтади. Тўйга артист гаплашгани кетган ота бундан хабар тоғач, роса жахли чиқади. Бу гап тезда қишлоққа тарқа-

лади. Келин томондан вақил бўлиб келган холаваччалар ҳам бунинг ҳақиқат эканини эшитиб, ёқа ушлаб қайтишади. Буни қаранг-ки, қиз тушмагур ҳам дугонаси билан учрашувга чиқиб юрганида, дугонасининг бўлажак қайлиғига зимдан ошиқ бўлиб юрган экан. Шундай қилиб, йигит ўз ота-онасини тўйни тўхта-тишга кўндиради. Орадан олти ой ўтиб эски гийбат гаплар ўрнини янгиси эгаллагач, йигит қизга совчи кўяди. Анча қаршиликларга қарамай унга уйланади. Тўй кун куёв жўра-лар куёвнинг оёқлари тагига иккита гишт қўйиб қўйишади. Шу билан олам гулистон. Куёвнинг бўйи пастлигини ҳеч ким сезмайди. Ҳозир улар жуда ҳам бахтиёр яшади. Айтмоқчиманки, муҳаббат бўй танламайди. Ҳар иккинчиз ҳам ўз ҳаётингиз учун курашинг. Ва буни тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилинг.

Дилмурод СОДИКОВ,
ЎзМУ журналистика факултети талабаси



ЯХШИ ҚИЗ ОВУЛ ОШМАС

«Наҳот алдандим»— 42-сон

ЭСЛАТМА: Мактабни битириб Самарқанддаги билим юртига ўқишга кирдим. У ерда ҳарбий билим юртида тахсил олаётган бир йигит билан севишиб қолдим. У менга уйланмоқчи бўлганида отам розилик бермади. Лекин мен ота-онамдан розилик олганимда, у Сурхондарёга кетиб қолди.

ОЖИЗА

Ожизахон, дилингиздаги гапларни ўқиб чиқиб очиги ҳайрон бўлмадим, чунки хафа бўлманг-у, Нурмуҳаммад акангизни гаплари, берган ваъдалари бу бариси тажрибали қизлар овчисини гаплари. Ҳа-ҳа ишонаверинг, чунки ўзим ўғил боламан ва бу усул менга таниш, кўп учратганман. Табиатан қизлар ҳис-туйғуга берилувчан бўлади ва улар шу ҳис-туйғулар қуршовида яшади. Уларни шу нозик томонини топиб сўзласангиз ва озгина актёрлик маҳорати бўлса тамом, ҳатто энг тортинчоқ қиз ҳам сизнинг изимингизда бўлади. Энди бу жиҳатдан акахонингизни сўзларига эътибор беринг. У сизга: "Ҳатто ўзимдан қизгонаман, рашк қиламан", дебди. Ахир бу гаплар шoirнинг **Сени ётлар тугул ҳатто, Рашк қилурман ўзимдан ҳам,** - деган мисраларидан олинган-ку. Яна ой ҳақида, қушлар ҳақида сизга романтик ҳикоялар сўзлабди. Ўзини оилапарвар қилиб кўрсатибди, аслида у ўзи сўзлаган одам эмас, балки сизга ёқадиган ролга кирган холос.

Ожизахон, қўзингизни каттароқ очинг. Чунки сиз очилмаган гўнаҳсиз, кимлар учун эса лаззатли таомдасиз, еб бўлгач раҳматни ҳам насия қилиб қочворишади. Дугоналарингизга эътибор беринг, улар сиз каби эмас, улар тажрибаси катта инсонлар. Улар ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиши мумкин. Ишончим қомил, сиз эса тажрибасизлигингиз учун панд еб қолишингиз мумкин.

Ожизахон, менинг зилдек оғир гапларим сизга озор етказган бўлса узр, лекин сизни бахтсиз бўлиб қолишингиз-

ни истамайман. "Дўст ачитиб, душман қулдириб гапиради", дейишади-ку. Ўзингизга эҳтиёт бўлинг. Бу ҳаёт гирдобга ўхшайди, сал ноўрин ҳаракатингиз чуқурликка тортиб кетиши мумкин. Сиз балки Нурмуҳаммад ака ҳақида қайдан билардинг, деб ўйлаётгандирсиз. Тўғри, у балки яхши инсондир, балки мен ноўрин фикр билдиргандирман. Лекин йигит, ҳоқ қиз бўлсин севган кишисига севги изҳор қилиши бир четда турсин гапиришга ҳам тили айланмай қолади. Маҳтанин эмас-ку, ўзим келишган, кўринишим ҳам ёмон эмас. Кўп қизлар билан танишганман. Ҳатто кўплари турли йўлар билан севги изҳор қилишган. Лекин ҳеч қачон бирортаси билан учрашиб кечалари боғларда сайр қилмаганман, чунки эрта ўлғайиб бирор қиз олдида айбдор бўлишни истамайман, чунки у ҳам бировнинг гулдек фарзанди. Севги масаласига келсак, қанча сўзга уста бўлмай севган қизимни кўрсам гапиролмай қоламан. Оғзимдан сўз тугул ҳатто аниқ бир ҳарф чикмай қолади. У ҳам худди шундай. Биз бирор марта учрашмаганимиз. Лекин у ҳам менга беварф эмас. Учрашиб мен унга ёқмай қолишқидан қўрқаман. Кўча-қўйда рўпара келиб қўрқиб юрамиз қинидан чиқиб кетай дейди, лекин гапиролмайман. Бир туйғу қўймайди. Шу туйғу йўл бермайди. Шу сўзлардан хулосани ўзингиз чиқаринг, халқимиз айтган-ку: "Яхши қиз овул ошмас", деб.

АНВАР

Тошкент вилояти

МУАЛЛИФ ФИКРИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

«Қодирий бекатидаги ўйлар»— 13-сон

ЭСЛАТМА: Анчадан бери бир истақ қўйилганда тугундек юради. Пойтахт метроларнинг бирортасида аёл номи учрамаганми, яна "Юнус Ражабий", "Минг ўрик", "Ойбек" номларидан сўн "Чкалов", "Машинасослар" дейилиши галати туюлади. Ана шундай номлар ўрнига метро бекатларига ўзбекинг буюк намоёндалари номи берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Дилмурод САЙИДИ

Шoir Дилмурод Сайидининг мақоласини оила аъзоларимиз даврасида қизиқиб ўқиб чиқдим. Муаллиф энг долзарб мавзунини кўтариб чиққан, жуда ўринли фикрни ўртага ташлаган. Мен ҳам фахрий шоира, нотик сифатида муаллифининг фикрларини қизгим қўллаб-қувватлайман.

Ҳақиқатан ҳам "Машинасослар бека-

ти" дейиш ўрнига "Нодирабегим бекати" деб юритилса қандай яхши, мақсадга мувофиқ бўларди. Биз фахрийлар хурсанд, Нодирабегимни руҳлари эса шод бўларди.

Шунингдек, Чкалов бекати ўрнига Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия хоним хотирасига "Зулфия бекати" деб юритилса айни мудоао бўларди. Ахир Зулфия хонимдек қучли, вафодор шоиранинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли барчага намуна-ку.

"Тўқимачи" бекати ўрнига "Абдулҳамид Чўлпон бекати" дейилса, ёшу кекса хурсанд бўлади-ку. Юқоридаги номларни тилга олинган бекатларига "Нодирабегим", "Зулфия", "Абдулҳамид Чўлпон" номлари берилса дилдан хурсанд бўлардик.

Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,
Республика ахамиятига молик шахсий пенсионер

Андижон вилояти,
Булқобши тумани



Азиз онажоним ЗУЛАЙХО! Сизни 42 ёшга тўлишингиз ва ҳайит байрами билан табриклаймиз. Сиз хонадонимиз қувончи, фазисисиз. Умрингиз узок бўлсин.

Умр йўлдошингиз Қосим, фарзандларингиз — Лола, Лобар, Лайло, Муслим



Оиланмиз КЕНЖАТОЙ ФЕРУЗА! Сени 12 ёшинг, мучал тўйинг ва эрка ўғил Жаҳонгир сени 6 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Келгусида соғлом, меҳр оқибатли, сеvimли бўлиб улгайишингизни Оллоҳдан сўраймиз.

Мукаррам ойинг, холаларинг, тоғаларинг

МЕХРУ ОҚИБАТ ЖУДА КАТТА БАХТ

Ёшим 28да, йўлбарс буржи остида туғилганман, тикувчиман. Оилада 8 та фарзандимиз. Онам билан отам нафақахўр. Кўп қатори мени ҳам сўроқлаб эшик қоқиб...

Хаётда кўлимдан келмаган иш йўқ. Деҳқончиликдан ҳам, чорвачиликдан ҳам хабарим бор. Ошхонага бир кириб кетсам, умуман чиққим келмайди. Кўни бўйи ширин-ширин таомлар, пиширилари, пиширишлари хуш кўраман. Кийим, тилло, пул... мени бунақа нарсалар қизиқтирмайди. Менга ширин сўз, меҳр-оқибат бўлса, бас! Шунинг ўзи мен учун катта бахт.

Кайда ўзи ўша бахт?

НАРГИЗА

ОЛАПАР ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

Мақтабни тамомлаб, талабалikka тайёргарлик кўриб юрган пайтларим эди. Бир кун университет кутубхонасида ўтирсам, юқори курсда ўқийдиган бир йигит ёнимга келиб: "Эй ука, овора бўлиб бошингни қотириб юрма, яхшиси отангни ишга сол", деб қолди. Мен унинг гапларидан кейин икки-уч кунгача ҳафсалам пир бўлиб бўйимни ўқишга ёр бермай юрвердим. Ишти-қонлар бошланишига икки кун қолганда ижарада турган уйимдаги супа-чада китоб билан юзимни беркитиб ухлаб қолдим. Бир пайт кўча қараб кела бошлади. Отаҳон кўлидаги тасбехини бир неча марта ба кўтариб туширганди олапар ўз уйчасига кириб кетди. Шу пайт қаердандир сув ёпирилиб келиб супача худди денгиздаги кемага ўхшаб чўка бошлади. Мен

"Энди қандай қилиб сувдан чиқиб кетаман", дея саросимага тушиб тургандим бир пайт отахон улкан сув тўлқинини кечиб келди-да, мени кўлимдан ушлаб каттақон йўлга олиб чиқди.

Мен аллақачон фарқ бўлган супачага қараб у ердан қандай қилиб чиқиб кетганимга ақлим лол бўлиб тургандим. Бир пайт отахон: "Ўғлим, мана шу йўлдан тўри бораверсанг катта бир бинога дуч келсан, ана шу бинонинг бахтинг кутаяпти", - деди-ю, гоийиб бўлиб қолди. Мен бинога узок йўлдан юриб бордим. Эшикни очиб ичкарига кирсам, уюм-уюм китоблар. Шу пайт олапар ақиллаб юборди-ю, мени ширин тушимдан ўйготди. Кўп ўтмай мен тент саволларини аъло баҳоларга топшириб талаба бўлдим. Мени бундай бахтга мушарраф бўлишимда ана ўша номаълум отахоннинг ҳиссаси катта деб ўйлайман.

Дилмурод СОДИҚОВ, талаба

ОБУНА 2003

Республикамиз аёлларининг сеvimли наشري бўлмиш "Саодат" ва унинг иловаси "Гулчехралар" газетаси ҳар бир хонадон учун маърифат ва маънавият элиҳисси бўлишга ҳаракат қилади. "Саодат" ва "Гулчехралар"га обуна давом

этаяпти. "Саодат" индекси 867. Бир йилда 8 та сон чоп этилади. 1 та сони 250 сўм. "Гулчехралар" индекси 618. Бир йилда 12 та сон чоп этилади. 1 та сони 50 сўм. Бу нархга почта ва йўл харажатлари кирмайди.

БОЛАЛАР КЎЗИНИ АСРАНГ

Ҳозир кўчаларда болалар қандайдир портлайдиган ўйинчоқларни пақиллатиб юришибди. Бир қўшнимизнинг ўғли ана шунинг натижасида кўз касалликларига касалхонасига тушиб қолди. Умуман, кўзни тасодифий жароҳатлардан асраш учун нима қилиш керак?

зорат қилинса буларни ҳаммасини олдини олиш мумкин. Болалар кўз жароҳатларининг асосий сабаблари бу катталарнинг болаларга назоратини сустлашиши. Уч ёшгача бўлган болаларнинг асосий жароҳатлари бу уй анжом-асбоблари: қайчи, мих, ўйинчоқлар, ўткир нарсалар оқибатида бўлади.

З.РАҲИМОВА

Қибрай тумани

Умумий кўз касалликлари ичида болалар кўз жароҳати кўп учрайди. Энг кўп учрайдиган жароҳат бу кўзни тешиб ўтган жароҳатлар, чайқалиш, куйишлар. Укусу ва йод билан куйишлар ниҳоятда оғир куйишларга қиради. Тасодифан катта дозада дорилар ичиб қўйган болаларда бу кўз атрофиясига олиб келиши мумкин.

4-6 ёшгача бўлган болаларда асосан таёқ, копток, қор ва оловда портлайдиган моддалар билан олган жароҳатлар кўп учрайди. 7-11 ёшгача бўлган болалар энг хавфли ёшдагилар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Хитойда чиқарилган пақиллайдиган патронлар, портловчи ўйинчоқлар, йиқилишлар, муштлашишлар, қор отишлар натижасида келиб чиқадиган жароҳатлар учрайди. Жароҳатларнинг 60% кўчаларда, ҳовлиларда, дам олиш кўчалари содир этилади. Болалар муассаларида жароҳатлар камдан-кам учрайди. Мақтабларда кўз жароҳатлари кўпинча танаффуслар пайтида, уйга кетаётганда, кимёвий моддалар билан ўйнаётганда бўлади. Энг хавфли ойлари бу апрелдан октябргача бўлади.

Маслаҳатхона

Бу жароҳатлар айнан ўзининг оғирлиги билан ажралиб туради. Кўзни операция қилиш болаларда қийин. Операциядан сўнгги даври асорат билан ўттиҳ эҳтимоли кўпроқ. Олимларимизнинг аниқлашларича, бир кўзи ожиз боланинг ривожланиши соғлом боланинг ривожланишидан анча орқада қолади. Бундай болаларда анча толиқиш, бош оғриши кўпаяди. Ногиронлик боланинг руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир этади. Боланинг хира кўришининг асосий сабабларидан бири бу шохпарданинг чандиқлари, қорачиқнинг жароҳати, гавҳарнинг лойқаланганлиги, ички парданинг ўрнидан қўчишидир. Агарда яхшилаб на-

зорат қилинса буларни ҳаммасини олдини олиш мумкин. Болалар кўз жароҳатларининг асосий сабаблари бу катталарнинг болаларга назоратини сустлашиши. Уч ёшгача бўлган болаларнинг асосий жароҳатлари бу уй анжом-асбоблари: қайчи, мих, ўйинчоқлар, ўткир нарсалар оқибатида бўлади. 4-6 ёшгача бўлган болаларда асосан таёқ, копток, қор ва оловда портлайдиган моддалар билан олган жароҳатлар кўп учрайди. 7-11 ёшгача бўлган болалар энг хавфли ёшдагилар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Хитойда чиқарилган пақиллайдиган патронлар, портловчи ўйинчоқлар, йиқилишлар, муштлашишлар, қор отишлар натижасида келиб чиқадиган жароҳатлар учрайди. Жароҳатларнинг 60% кўчаларда, ҳовлиларда, дам олиш кўчалари содир этилади. Болалар муассаларида жароҳатлар камдан-кам учрайди. Мақтабларда кўз жароҳатлари кўпинча танаффуслар пайтида, уйга кетаётганда, кимёвий моддалар билан ўйнаётганда бўлади. Энг хавфли ойлари бу апрелдан октябргача бўлади. Болангиз ҳаммиса сизнинг назоратингизда бўлиши керак. Кўзни жароҳатлайдиган нарсаларни болалар қўли етмайдиган жойларга олиб қўйинг.

Юлдуз ШОАКРОВОВА, Тошкент вилояти Кўз микрохирургияси Маркази офтальмологи

"Дилбарим - сервис"

1 ойлик 1. Бадий меникор-педикор. 2 ойлик 1. Сартарошлик эркак ва аёллар учун амалиёти билан. 2. Фанатсия гул безаклари. 3 ойлик 1. Замонавий "Элита" услубида парда, чойшаблар тикиш. 2. Зардузлик (Бухорча тикиш) 3. Вишивка - машинада. 4. Торт, пишириқ, салатлар пишириш 10-кунлик олий тоифадаги торт пишириш. 3-қунда ширинчиликлардан келин ва қувё ясаш. 5. Юмшққ ўйинчоқлар тикиш. 6. Компьютер сабоғи. 7. Ҳамширалик амалиёти билан. 8. Умумий массааж амалиёти билан. 4 ойлик 1. Тикиш ва бичиш замонавий услубида ўргатилади. 2. Фармацевтика - доришунослик. 3. Инглиз тили бошланғич ва давом эттирувчилар учун. Манзиллимиз: Сирғали 3. Массона кўчаси, 3 уй, УПК биносининг 3 қавати. Мўлжал: "Сирдарё кафееси" ёнида. Автобуслар: 98, 86, 40, 75, 47, 58. 19-тролейбус ярмарка бекати. Уйлаш битирганларга дўғлом берилади. Вилоятдан келганлар ётқоқона билан таъминланяшади. Телефонлар: 8.00-22.00 49-18-71, 10.00-16.00 57-37-86.

ОЛТИНГУЛ

3 ойлик бичиш-тикиш - бир ойга 5000 сўм. Инглиз тили (бошловчилар учун) - бир ойга 5000 сўм. Қандолатчилик - 2 ой. Араб, форс, тожик, немис тилини ўрганувчиларга - 2 ой. Парда тикиш - 1 ой. Компьютер курси - 2 ой. Сартарошлик - 2 ой. Массааж - 2 ой. Ҳамширалик - 2 ой. Уқитишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятдан келганлар ётқоқона билан таъминланади. Фирма сифатли ўқитишга қафолат беради. Барча ўқиш амалиёт билан олиб борилади. Манзил: Ҳадра майдони, мўлжал "Давр банк" ёнидан қирилганда 12 котежд ёки Аброр Ҳидоятон номдаги театр ёнидан қирилади. Мурожаат учун телефон: 42-73-98, 46-63-91.

Инглиз тилини ҳаммабоп ва сифатли ўргатаман.Тел: 76-62-78

"КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР" ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси 2 ойлик курслар: - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL. - Бухгалтерия ҳисоби, - Енглиз автомобилларни электр қисминини созулаш. 1-С Бухгалтерия дастури - 1 ойлик. - Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз. Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзиллимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

"ДИЛОРОМ" ўқув маркази қуйидаги курсларга таклиф қилади:

2 ойлик: - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларни роллаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиши ("Элита" усулида). 3 ойлик: - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енглиз ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади. Манзиллимиз: Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг "Алишер Навоий" бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ "МОҲИР ҚўЛЛАР"

Куйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади: - Моделч-технолог (бичиш-тикиш курслари) - 2; 4 ойлик; - Эркажар кийими - 2 ойлик; - Аёллар костоми, палтоси, плащчи - 3 ойлик; - Дарпарда, парда, чойшаб, ёстик, дастурхонлар - 1,5; 3 ойлик. Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (яқшанбадан ташдари) соат 10 дан 14 гача. Манзиллимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темур" бекати, Магазин "Top moda", Тел: 133-73-97, 76-71-95.

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ҲАСТАЛИГИ БИЛАН ОҢРМАН КОВУГИ БЎШ 10 ЁШДАН ОШГАН ЎҒИЛ ВА КИЗ БОЛАЛАРНИ БАТАМОН ДАВОЛАЙДИ. Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, яқшанба кўнлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа ҳўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбекатида 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023. Лицензия рақами 3271

Қибрай тумани ҳокимлигиндан яқка тартибдаги тадбиркор Иноғам Ёркин Исақович номига 2002 йил 6 сентябрда берилган 646/0646-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ:



Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергия касалликларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача. МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар - 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай - 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

ҚАДИМ ИБРАТЛАРДАН ХУЛОСАЛАР

(Шайх Саъдий ҳикоятлари асосида) Ҳикоят: "Мен ҳеч маҳал замона ишидин нолимас ва фалак гардишидин юз ўғирмас эдим. Фақат бир марта оёқ яланг юрганимда, оёқ кийим олишга қурбим етмай қолганида, дилимда алам билан Қуфма масжидига қадам қўйдим. У ерда оёқсим бир кишини кўрдим... Худо неъматни шукрин билдим ва кавушсизликка сабр қилдим!" Хулоса: Гоҳида маблағсиз қолмоғим бордир, Баъзан йўлқира йўқ - яёв келаман. Аразон туфли киймоқ қиймларга ордир, Мен шу юрганимни неъмат биламан! Ҳикоят: Бир донишманддан сўрадилар: - Ўнг қўлингиз фазилатлари ҳаммага маълум, бас, нима учун узук чап қўлга тақилади? - Фозил кишилар ҳаммиса эъзоздан маҳрум инсонлар эканликларини билмайдиларми? - деб жавоб берди донишманд. Хулоса: Оқилга камтарлик фазилат эрур, Қиймдир бу ҳислатни тушунам ақсар. Шу боис фозиллик пойгакда қолур, Уй тўрига сурбет бўлиб муяссар! Дилмурод САЙИИД

“Хурматли Шерзод ака, хатингиз мени жуда ўйлантириб қўйди. Мени таърифимни жудаям ошириб юборибсиз. Мен ҳам бошқа қизлар қатори оддий бир қизман. Сиз ўзингизни кўпам ерга урманг. Ўзимга му-

Беҳзод исмли укаси бор. Улар ҳали ёш, дадаси тракторчи бўлиб, куни билан ишда. Ойиси далада ишлайди. Сингиллари рўзгор ишларида ойисига дастёр бўлиб қолган. Энди тўртинчи синфга ўтган кенжа укаси молларга қарайди.

ХАЁЛИМ ЎҒРИСИ,



Барибир оила Шерзодга ўрганиб қолганди. Укалари Шерзоднинг бирорта гапини иккита қилмайди. Сингиллари ҳам, укаси ҳам Шерзодни жуда яхши кўрар, ўз навбатида Шерзод уларга ниҳоятда меҳрибон эди.

Унинг орзуси адвокат бўлиш эди. Шундай қилиб синфдош жўралари Собир, Бобир билан юридик институтга ҳужжатларини топширди. Учала дўстинг ҳам уч хил қарашлари бор эди. Бобирнинг отаси колхозда раис бўлиб, бу ерга ҳам Раис буванинг орзуси билан келган. Ўзи ёшлигидан учувчи бўлишни орзу қиларди. Ўртоқлари олдида, одамлар билан муома-

БИРИНЧИ МУҲАББАТИМГА

носиб айлаганим учун узр дебсиз. Бу билан мени ниҳоятда уялтирдирдингиз. Аслида бу саволни мен ўзимга беришим керак. Биласизми, Сиз жудаям яхшисиз, дунёдаги энг яхши қизларга муносибсиз. Сизни ёқтирадиган қизлар анчагина, сизга муносиб бўлмоқликка бизга йўл бўлсин. Сиз мен учун дунёдаги энг яхши инсонсиз, Сизга оллоҳдан соғлиқ-саломатлик, барча орзу истакларингиз руббга чиқишини тилаб, Сизнинг Дилдорангиз. 1985 йил куз фасли.”

Менга муносиб қиз фақат сенсан, дея пичирлади Шерзод.

Вақт гилдираклари шиддат билан айланиб ҳаш-паш дегунча пахта дари ҳам ўтиб кетди. Пахтадан қайтгач иккаласи ҳам дарсларга шўнгиб кетишди. Шерзод битирувчи, Дилдорага эса ҳали бор. Улар бир-бирини деярли ҳар куни кўришади. Агарда бирортаси мактабга келмай қолса, ўша куни дарслар ҳам татимайди. Гоҳида яширинча дарсдан кейин бўш синфлардан бирига кириб олиб дарс тайёрлаб, гаплашиб ўтиришади. Баалоғат оstonасида турган ҳар бир ёшнинг олам-олам орзулари бўлади. Йигитнинг ҳам олдида юксак орзулари, буюк мақсадлари бўлиб, бўлажак ҳаётга ўзини тайёрларди. Хатто тонг отгунча дарс қилган пайтлари бўларди. Ниҳоят қалбларни ларзага солгувчи “Сўнги кўнгирик”, ажралиш дақиқалари ҳам етиб келди. Ажралиш қувончу дардларига, муҳаббати, ширин онлари - гўзал дамларига гувҳо бўлган мактабни тарк этиш нақадар оғир. Наҳора, ҳаёт қонунияти — 10 йил бирга ўқиган, бир-бири билан акасингилдек бўлиб кетишган бу ёшлар ҳам кўзларда ёш билан ажралишди. Зеро инсон улгайган сари унинг ташвишлари кўпаяди. Ҳаётининг бир бўлаги бўлган мактабни тарк этаётган ёшлар олам-олам орзулар ила, баъзилари бемақсад мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяди. Кимдир орзуларга эришиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади. Баъзилар бемақсад ҳаёт кўчаларида қолиб кетади. Кимларгадир бу ҳаёт шафқатсизлик қилади, йўлидан адашади. Бешафқат ҳаёт уларни ўз домига тортди кетади.

Кўпчилик мактаб битирувчи ўғил қизларнинг нияти талаба бўлишди. Шундай қилиб Шерзод ҳам талабалик орзусида азим шаҳар Тожкентга отланди. Шерзод оилада ўшентган фарзанд. Унинг Фотима ва Зухра сингиллари ва

ласида ўзини катта тутмасди. Собирнинг дадаси районда аллақайси идоранинг бошлиғи. Собир ҳам Шерзодга ўхшаб мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Орзуси прокурор бўлиш. Учаласи ҳам қалин дўст бўлиб, дўстликлари самийий эди. Учаласи ҳам Раис буванинг танишинида яшай бошлашди. Мана ниҳоят абитуриентларни кўркувга солган дақиқалар ҳам етиб келди. Биринчи имтиҳон тарихдан эди. Шерзод тайёрланмасдан жавоб берди. Баҳо “беш”. Собир ҳам беш баҳо олди. Фақат Бобир зўрга уч баҳо билан ўтди. Жўралари Бобирни кўнглини кўтаришди. Иккинчи имтиҳон ҳам шундай бўлди. Имтиҳондан чиққан Бобир юрагини ҳовучлаб ўтирган ўртоқларига илжайди.

- Мендан прокурор чиқмайди. Бу касбни сенларга чиқарган.

- Неччи баҳо? - деб сўрашди барава-рига.

- Йигитнинг баҳосида деб учта бармогини кўрсатди. Охириги имтиҳон она тилидан ёзма иш эди. Учинчи имтиҳон ҳам худди шундай, фақат бу гал Бобир беш баҳо, Шерзод эса икки баҳо олди. Ҳамма ҳайрон, учаласи ҳам танг ҳолатда қолишди. Шерзоднинг руҳи ниҳоятда тушиб кетди. Иккала дўсти ҳам кўнглини кўтаришга уринишар, бу бир англашилмовчилик, мана кўрасан, ҳаммаси яшил бўлиб кетади, деб далда беришарди. «Деканатга кириб текшираемиз, бу бир англашилмовчилик, деди қатъий қилиб Собир. У ердан ҳам аниқ жавоб олиша олмайди. Деканат олдига кириш учун навбат куттиш керак. Бобир қаергадир телефон қилди. Озроқ кутайлик киргизишарди, деди. Сабри чидамаган Собир ҳам телефон қилди.

Учаласи ҳам жим. Жимликни Бобир бузди.

- Ўртоқлар гап бундай. Биласанлар мени орзуим учувчилик. Агарда ҳеч бир иш чиқмаса. Сен ўқийсан Шерзод. Мендан прокурор чиқмайди. Бу сенинг ҳалол ўрнинг. Собир ҳам қизариб кетди. Шерзод жаҳл билан унга қаради ва босиқ вазмин овозда.

- Собир, Бобир, наҳотки мени билмасанглар. Мен нима бирга катта бўлган жўрамни ўрнига ўқийманми. Сен бундай гапирасан деб ўйламаганим Бобир. Иккаласи ҳам ерга қаради. Бирор нима еб олиш учун ташқарига чиқиди. Ёз ҳавоси иссиқ. Ташқарида одам гавжум. Чеккадаги ўриндикда чиройлигина бир қиз куйиниб йиғларди. Ишонаман, мен ёзма

ишни ҳеч бўлмаганда яхши ёзганим. Дугонаси уни овутишга уринарди. Шу пайт Шерзоднинг қизга ҳам, ўзига ҳам раҳми келиб кетди. Шерзод ҳаммасига тушиниб етганди. У шартта бурилиб ўртоқларини ялинишига қарамасдан институтга кириб ҳужжатларини олди. Бобирнинг ҳеч бўлмаса бир кун кутишини айтиб қилган илтимосини ҳам рад этди. Собирнинг ҳам шунча гаплари, илтимослари бекор кетди. Шерзод жўралари билан кучоқлашиб хайрлашди.

- Илтимос, сенлар хижолат бўлманглар. Сизларга омад тилайман. Мендан хафа бўлманглар. Хўп хайр. Улар Шерзодни бекатгача кузатиб қўйишди. Бобир барибир ўқишни хоҳламади. Ҳеч кимга билдирмасдан ариза ёзиб, ўз хоҳиши билан армияга жўнаворди.

Шерзод автобусда бораркан Дилдора билан охириги марта учрашганини эслади...

- Жоним қарши бўлмасалар эртага учрашсак.

- Жонингиз албатта қарши. Ҳис-туйғуга берилсалар ақл чекинади. Бу сизга ярашмайди ахир. Жоним аввал ўқишга кириб олсинлар шунда учрашамиз. Сиз кўпам мени ўйламанг, ўқишингизни уйланг, деганди. Мактабда ҳалол яшашга, тўғриликка ўргатади. Нега ҳаётда буларни бари тескари. Нега ҳаёт бунчалик разилликларга тўлиб тошган. Нега? Нега? Нима учун? У бу саволларга жавоб топа олмас ўйлаб ўйга етолмасди. Ўқишга кира олганини эшитиб ҳаммадан ҳам ойиси куйинди. Она — она-да, фарзанд учун жони ачийди. Энди Шерзод олдингидай хушчақчақ эмасди. Онаси бундан жуда хавотирланди. Онаси атрофида гирдиқалпалак, аяб гапирарди. Бунинг сезган Шерзод ойисини олдида зўрма-зўраки худди олдингидай ўзини хушчақчақ тутишга ҳаракат қилади. Ойисини кўнглини оғритиб қўйишдан кўрқарди. Фақатгина кўнглини Дилдорага очди. Дилдора унинг дардида шерик эди. Бир куни дастурхон бошида дадаси билан Шерзод ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Шерзод тезроқ чойни ичиб туриб кетишни уйларди. Энди ўрнидан турмоқчи эди, дадаси “ўтир” деб имлади. Ноилож яна қайтиб жойига ўтирди. Дадаси чойдан ҳўллаб, вазмин гапирарди.

- Ўғлим, сен энди ўқишга кира олмай деб кўпам хафа бўлаверма. Бу йил кўлимиз калталиқ қилди. Сени ўқишингни хоҳлашимни биласан. Мана келаси йилга Худо хоҳласа икки ҳўқизингни сотса, қанча бўлсам топиб киргизамиз. Сен кўнглингни чўқтирма ўғлим. Ҳаммаси яхши бўлади. Бу ҳаёт, пасту-баландликдан иборат. Ойинг сендан хавотирда.

Бошини қўйиб солиб индамасдан ўтирган Шерзод бошини кўтарди. Деразадан ташқарига боқди.

- Дада, сиз мени нотўғри тушунманг. Сизлардан мен ҳечам хафамасман. Сиз мен ҳалол яшашга, тўғрисиўз бўлишга ўргатдингиз. Пул билан укаларим ризқини қўйиб ўқишга кирганимдан кўра деҳқончилик менга афзал эмасми? Мени виждонимни азобга қўйманг, дада.

- Гапларинг тўғри, ўғлим. Сен барибир ўқишинг керак. Ойингни ҳам, мени ҳам орзуимиз шу.

- Менинг ҳам мақсадим шу дада. Ҳаракат қиламан. Фақат ўзим. Сизлар мендан хавотир олмангизлар. Шундан сўнг ҳаммаси яна ингазга тушиб кетди. Шерзод ишларга шўнгиб кетди. Ўқишни ҳам ташлаб қўймади. Ойисини даладаги ишлардан овоз қилди. Экинларга ҳам ўзи қарайди. Ойиси хурсанд. Дадасини иморатни ул-бул жойларини тўғри-лашга ҳам вақти йўқ. Буларни ҳам бари Шерзоднинг заммасида. Гишт қўйиб ошхона солди. Эндидан ойисига тандирхона қуриб берди. Ёз ўтиб куз ҳам келди. Олтин куз йигим теримлар тугай деб қолган давр. Шерзодга бир куни ҳарбий хизматга чақириб қоғози келди. Ҳарбий комиссариатга борган Шерзодни шу кўннинг ўзида тиббий кўриқдан ўтказиб, бошини ялтиратиб қўйиб юборишди. Бундан ойиси шошиб қолди. «Опкетиб қолишса-я, ана раис бувани ўғли Бобирни ҳеч кимга билдирмасдан

опкетиб қолишибди-ку», дерди. Бу орада яна икки марта қақиртиришди. Шерзод армияга кетаётганидан ўзида йўқ хурсанд. Бунинг кўннинг ойиси ҳар куни йиғлаб олади. Дадаси ойисини хотиржам қилади. «Ўғлинг катта бўлиб қолди, барибир армияга бориши керак». Орадан анча кун ўтиб яна чақирув қоғози келади. Бу гал тиббий кўриқдан яна ўтказишди ва қўлига кетиш куни белгиланган чақирув қоғозини тутказишди. «Десантга кетасанлар», дейишди. Анча кўнлик қолган ойиси тайёргарликни бошлаб юборди. Уни тушуниб келган, ҳеч бир сўзини икки қилмаган Дилдора аразлаб юрибди. Кетаётганлигини эшитиб, кўзларига ёш тўлиб юзини ўгириб олди.

- Дилдора менга қарасанг-чи, хафа бўлдингми. - Қиз индамади. - Ҳа билдим, мени армиядаги қизлардан қизгонаясан, шундайми? - ҳазиллашди Шерзод.

- Ўқишга кирмас экансиз-да.

- Нега энди?

- Енгилганингни тан олиб, майдонни ташлаб қочаяпсизми?

- Дилдора, ўқишга кираманми, ё кирмайманми барибир армияга борардим. Бу йигит кишини бурчи ахир, тушунсанг-чи. Наҳотки мени хизматдан қочишимни, қолишимни хоҳласанг. Хизматдан сўнг ўқимоқиман. Бирга ўқиймиз.

Шундан сўнг қиз тинчланди. Очилиб сочилиб анча гаплашиб ўтирди.

Шерзод кетиши олдинда синфдошларига хайрлашув кечаси қилди. Ўша куни уларни уйи тўйхонага айланиб кетди. Қариндош-уруғлар, яқинлари, қўни-қўшини, қишлоқдошлари бари шу ерда. Ёшлар ташқарида давра ўйин қилишарди. Базм ярим пайтда Собир барча синфдошларини ўйинга таклиф этди. Ҳамма ўйнапти, шунда Собир кечкада томоша қилиб турган Дилдорани Шерзодни ёнига тортди чиқарди. Ҳамма бирдан иккаласини даврага ташлаб ўраб олишди. Қизариб кетган Дилдора даврандан чиқиб кетаолмас, уялибгина базўр ўйнади. Унинг хуснига хусн қўшилиб янада очилиб кетганди. Базм кеч тунгача давом этди. Ҳамма келганлар Шерзодни ой бориб, омон қайтишини тилаб тарқалишди.

Ўша куни у Дилдора билан тонг отгунча суҳбатлашиб ўтирди. Дилдора билан Шерзоднинг ҳечам ажралгиси келмасди. Эҳ тун бунчалик қисқа бўлмасанг.

- Дилим, мен сенинг оғзиндан бир сўзини эшитишни хоҳлайман, - жимликни бузди йигит. Қиз индамайди. Сокин тур. Жимликни фақат узоқ узоқлардан қурбақаларнинг қуриллашдан ноласи бузди.

- Кутаяман?

- Уялама, фақат қулоғингизга.

- Ҳўп.

Йигит энгашиб қулоғини тутди. Қиз унинг қулоғига пичирлади.

- Мен сизни жонимдан ҳам ортқ кўраман. Майин кун шабадаси иккинчи юзларини силаб ўтди. Йигит қизнинг хидидан маст эди. Қизни охишта кучди. Қайноқ лаблар учрашди. Эртасига ошна оғайинлари, яқинлари Шерзодни кузатган воқзалга чиқиди.


Уларнинг орасида Дилдоранинг ойиси ҳам бор эди. Шерзод ҳамма билан бирга бир хайрлашиб чиқди. Навбат йиғлаб турган сингилчаларига ҳам етиб келди. Иккаласини ҳам бирдан бағрига босди. Кўнгли бузилиб кетди. Зўрга ўзини тутиб турарди. Бекзодни даст кўтариб олди, юзларидан ўпди.

- Ойимни қийнаб қўйма, айтганини қилгин, хўпми. Опаларингни хафа қилма, ҳеч кимга хафа қўлдириб қўйма. Айтганимни қиласана, тез-тез ҳат ёзиб тур.

- Албатта акажон - деди маҳкам қучоқлаб Бекзод. Дадаси маҳкам бағрига босди.

- Ой бориб омон қайт ўғлим. Бошинг тошдан бўлсин. Биздан ҳечам хавотир олма.

(Давоми. Боши ўтган сонда.)
Сироҳиддин СМОҲОНОВ
Тошкент



ВАТАН

Жонимга ҳамнафас бир армон ҳануз,
Бир яхши ёнида ўн ёмон ҳануз.
Ҳамон умид боқий, бу қандай рамз?
Вақтики, бу тандан узилса жоним,
Йиглармисан руҳим-фариштам маним.
Кетдилар, кетарлар, кетармиз бир кун,
Аввал келган жойга етармиз бир кун,
Ҳар нарса абадий топаркан яқун,
Беш кунлик дунёда қолган Ватаним -
Излармисан руҳим - фариштам маним?!



ЁДНОМА

Эй, сен жаннат гули, булбули йўк,
Эй, сен дили дoston, аммо тили йўк.
Эй, сен бўстони тарк этган қумри,
Эй, сен -оташқада, аммо кули йўк.
Эй, сен менинг ўзим-жонсабил жоним,
Тошлар орасидан сизган армоним.
Очиқ кўзларингни малаклар юмсин,
Рухингга осмонлар муборак бўлсин!

ЭЙ, СЕН...

Эй, сен менинг кўнглимдаги дўст,
Нималар қилмадинг кўнглимда?
Нималар демаядинг кўнглимга,
Не кўйга солмадинг кўнглимни.
Аммо ҳамон куймаланасан,
Нимангни йўқотдинг кўнглимда?
Нимани изладинг кўнглимга,
Эй, сен менинг кўнглимдаги дўст...

“ИЛТИМОС, КЕТИНГ ДЕБ АЙТИНГ!”

Кетсангиз сиз билан жоним кетади,
Жонимки, икки жаҳоним кетади.
Шу мискин кўнглимни сархуш айлаган,
Мени бахтли этган оним кетади.
Жонсиз бу танамни унда нетарман,
Оёғим етгунча мен ҳам кетарман.
Тилларим кет, дейди, кетмасингизни,
Оллоҳдан тилайман ҳар шому-сахар.
Сизга чексиз омад, ўзимга эса,
Зулайхо сабрини тилаб яшайман.
Кет дейман азизим, аммо кетсангиз,
Армонлар қаърига кулаб яшайман.
Кетсангиз сиз билан жоним кетади.



МУҲАББАТГА ХИЁНАТ

Баҳор келиб очилди гуллар,
Ёмғир ёғиб, ювилди йўллар,
Лек юрагим зирқираб йиғлар,
Муҳаббатга хиёнат етгач.
Оқушлар кўларда қоққанда қанот,
Булутлар кўксини ёрганда офтоб,
Юрагим қатидан отилган хитоб,
Муҳаббатга хиёнат етгач.



ЗИЁРАТ

Онажоним, тақдирга кўндик,
Кўнмаганда нима ҳам қилдик,
Дунё иши шу экан билдик,
Лекин соғинч кўнмас, онажон...
Сабр отли бекат қайдадир,
Балки юлдуз, балки ойдадир.
Онам ётган қадамжойдадир.
Соғинч қушим парвозга шайлан...
Уч, учақол парку қанотим,
Тумшугингда донми, навотим,
Элтгин соғинчномам, баётим,
Ота уйим пештоқига кўн.
Уч, учақол олтин қанотим,
Етти пушти покиза зотим,
Онамсиз не кечди ҳаётим,
Қоқ укамнинг дарвозасини.
Олган каби онамдан нухса,
Синглим-гулим, лоламни изла,
Онам юрган йўлларни сизла,
Жигарларим тушларига кир.
Айлан, ўргил қариндошлардан,
Онам деган кўзу қошлардан.
Йўқла мунгли тенгдошларини,
Кекса ўрик шохчасига кўн.
Тўймадинг-а, хидига бағрим,
Кучдинг, баттар оғриди бағринг.
Ичган саринг ортиб чанқовинг,
Учгин сукут шаҳрига томон.
Ох, бу шаҳар осуда, сокин,
Фарқи йўқдир каролу ҳоким,
Аждодларим, онам мушфиқим,
Пойингизда қотди соғинч кўш.
Сўзломмадим бўғзим тикилиб,
Йиғломмадим айтиб, оҳ уриб.
Кўз ёшларим қолди-ку қуриб,
Ватанимни таниб, Онажон...
Раъно РАҲМОН қизи

ИЛТИЖО

Кечармикин менинг буюқ гуноҳимдан,
Қийналаман юрагимнинг сўроғиндан.
Йиғлаб-йиғлаб Яратгандан - Оллоҳимдан,
Сизга инсоф, мен ўзимга тилай тўзим.

Минганингиз чўбир эмас, тулпор бўлсин.
Кийганингиз шойи бўлсин, шолпор бўлсин.
Паривашлар йўлингизда қатор бўлсин,
Сизга инсоф, мен ўзимга тилай тўзим.

Сизни севмоқ менинг учун азоб бўлди.
Соғинчлардан кўз ёшларим кўлоб бўлди.
Қалбим анор суви янглиг гулоб бўлди.
Сизга инсоф, мен ўзимга тилай тўзим.

Менинг севгим сизнинг учун ҳеч эмасдир.
Наҳот, меҳрим эгиб олар куч эмасдир.
Йиллар ўтса ўтаверсин, кеч эмасдир,
Сизга инсоф, мен ўзимга тилай тўзим.

Умида БОНУ

Андижон шаҳри

Саробга айлангай тоғнинг тошлари,
Сойларга эгилгай мажнун бошлари,
Кўзимдан тўкилгай ўкинч ёшлари,
Муҳаббатга хиёнат етгач.
Ошиқ аҳли бўлса вафоли,
Кўзларда нам бўлмас жафоли,
Лобарга ишқ бўлди армонли,
Муҳаббатга хиёнат етгач.

Олия ОМОНОВА

ЁМҒИР

Ёмғир, кутганимни билиб келдингми,
Яна ёлғизлигим билиб келдингми,
Кўзларимни тубсиз осмон билдингми,
Маъно хаёлларим билан тўлдингми,
Ёмғир, кутганимни билиб келдингми...
Нега баҳор билан оқиб кетмадим,
Тошқин сой ичинда қалқиб кетмадим,
Янги ой нурида балқиб кетмадим,
Чечакларга шеърим тақиб кетмадим,
Нега баҳор билан оқиб кетмадим...
Ёмғир, кўзимдаги мактубиммисан,
Фақат дилга сизга махтубиммисан,
Кўл етмас сирларнинг энг тубиммисан,
Айри тушиб бўлмас матлубиммисан,
Ёмғир, кўзимдаги мактубиммисан...
Сен каби дунёдан кулиб ўтайми,
Тун билан, кун билан тўлиб ўтайми,
Армонли кўз ёшим силкиб ўтайми,
Ғамлардан қўлимни силкиб ўтайми,
Сен каби дунёдан кулиб ўтайми...



ХОТИРОТ ТУНИДА

Ёлғизлик истаган учқур шамоллар,
Барибир урилиб кетди дарахтга,
Парчаланиб кетган орзулар каби.
Ёлғизлик истаган олис хаёллар,
Дуч келиб қолгандай ғам ила бахтга,
Бўғзимда портлайди тўғулар каби.
Бу хотир тунининг остонасига,
Фақат сенинг учун келдим, саодат,
Маъюсгина руҳим тантанасига.
Борган сари ўтмиш қонлар ўйимни,
Борган сари йиллар — қайтмас фароғат,
Борган сари Соғинч — юрти куйимнинг...
Ойгул СҮЮНДИКОВА

ЁШЛИГИМ

Болалиқдан эрка эдим фарзандлар ичида,
Ота-онам иссиқгина бағри-қучида.
Хохлаганча ўйнар эдим тўйиб кўчада,
Қани энди қайтиб келсанг бир бор ёшлигим.
Дўстлар билан чуғурлашиб боғлар кезардим,
Балиқ каби сойларда шўх шўнгиб сузардим.
Ўша дамлар бахтлигимини гоҳда сезардим,
Қани энди қайтиб келсанг бир бор ёшлигим.
Оқар сувдек орта қарамай кетдим,
Армоним-фақат кеч қадринга етдим.
Бинафшадек гул баҳорни орзиқиб кутдим,
Қани энди қайтиб келсанг бир бор ёшлигим.

ОНАЖОНИМ БОР БЎЛИНГ

Онажоним, сиз борсизки ҳаёт муқаррар,
Сиз борсизки, олам гўзал, яшаш беармон.
Юлдуз тўла гўзал осмон, кўм-кўк қир-адир,
Сизнинг буюқ номингизга қуйлайди дoston
Сиз борсизки, бир маромда тонлар отади,
Бедор тунингизга оқ нур улашмоқ бўлиб.
Сиз борсизки, биз фарзандлар қуйлаймиз тинмай,
Шайнингизни улуғлаймиз дарёдай тўлиб.
Истаймизки, сизла ўтган умр битмасин,
Тугамасин орзу, қалблар кўрмасин ғамни.
Қайда бўлманг қўлингиздан армон тутмасин,
Парвардигор, қайда бўлмай асра онамни.
Маъмура МАЛИКХҲУЖАЕВА

“Оила ва жамият” газетаси жамоаси шоира ва рас- сом Гулнора Раҳмоновага онаси

Курам АРСЛОН қизининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

“Оила ва жамият” газетаси жамоаси шоира Салима Қиличевага онаси

Сарвар АДАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда “Оила ва жамият”дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - яққа обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси- да № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1138. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 21505
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.